

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ПЕДАГОГНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

**Тузувчи: доц. Б.Э.Қиличев**

Бухоро – 2014

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР .....	3
ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА.....	9
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	10
МАЪРУЗА МАТНИ .....	29
ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....	76
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....	81
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ.....	83
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАР .....	84
ГЛОССАРИЙ .....	85
ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРАЛЛАР .....	88
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	96

## ИШЧИ ДАСТУР

### Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

- Тингловчиларга педагогнинг нутқ маданияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, педагог нутқининг тузилиши, таркибий қисмлар ҳақида тушунчалар бериш.
- Нутқ маданиятининг асослари, нутқнинг жамиятдаги ўрни, нутқнинг инсон шахсий сифатларини белгилашдаги аҳамияти борасида тушунча бериш.
- Нутқ маданияти, муомала маданияти, риторика кабиларнинг фарқлари ва ўзига хосликларини ажрата олиш кўникмасини шакллантириш.
- Нутқ маданиятининг илмий асослари ва ўқитувчи фаолиятидаги ўрни ҳақида билим бериш.
- Ўқитувчининг нутқ техникаси, унинг таркибий қисмлари, мимика, пантомимика, уларнинг нутқдаги ўрни ҳақида маълумотлар бериш.
- Педагогик жараёнда ўзаро муомала маданиятини шакллантириш.
- Муомаланинг услубий йўналишлари ҳақида маълумотлар бериш.
- Самарали муомалага эришиш учун педагогга зарур бўлган шахсий хусусиятларни шакллантириш.

### Фан бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари

Олий таълим профессор-ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

### Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### Фаннинг олий таълимдаги ўрни

Фан педагогнинг нутқ маданиятини, нотиклигини шакллантиришга, нутқдан педагогнинг самарали фойдалана олиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади. Фан педагог ва тингловчида ўзаро мулоқот, муомала маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Мавзунинг номи	Маъруза	Семинар	Кўчма машғулот	Мустақил таълим
1.	Нутқ маданияти ва нотиклик, унинг тарихи	2	-	-	-
2.	Педагог нутқига кўйилган талаблар	2	-	-	-
3.	Педагогнинг нутқи ва нутқ услублари	-	2	-	2
<b>ЖАМИ: 8 соат</b>		<b>4</b>	<b>2</b>	<b>-</b>	<b>2</b>

### Маъруза-тренинг машғулотлари мазмуни

#### 1-мавзу:

#### Нутқ маданияти ва нотиклик, унинг тарихи (2 соат маъруза)

Режа:

1. Нутқ маданияти тушунчаси тавсифи.
2. Нотиклик санъати тушунчаси.
3. Нотиклик санъатининг тарихи.

Нутқ, нутқ маданияти, нотик, нотиклик тушунчаларига таъриф. Нутқнинг инсон ҳаётида тутган ўрни. Нутқнинг ўзаро мулоқотдаги асосий восита эканлиги. Нутқ, нотик, нотиклик, нутқ маданияти, нотиклик санъати, нутқнинг тузилиши, таркиби тушунчаларига тавсиф.

Нотиклик санъати тушунчаси. Ўзбек маданияти тарихидаги нотиклар. Уларнинг ҳаёт фаолияти, ўғитлари. Нотик нутқига қўйиладиган талаблар. Жаҳон маданиятида ўзига хос из қолдирган нотиклар. Қадимги дунё нотиклиги. Цицерон, Ҳусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоийнинг нотиклик ва нутқ ҳақидаги қарашлари.

## **2-мавзу:**

### **Педагог нутқига қўйилган талаблар (2 соат маъруза)**

Режа:

1. Нутққа қўйилган талаблар тушунчаси.
2. Нутқнинг тўғрилиги.
3. Нутқнинг аниқлиги.
4. Нутқнинг мантиқийлиги.
5. Нутқнинг бойлиги.
6. Нутқнинг тозаллиги.

Нутқнинг мураккаб ҳодиса эканлиги. Мантиқий жиҳатдан тўғри, аниқ, чиройли, ёрқин, таъсирчан, мақсадга мувофиқ бўлиш нутқнинг асосий сифатлари эканлиги.

Нутқнинг тўғри бўлиши унинг бош алоқавий сифати саналиши. Нутқнинг тўғрилиги унинг адабий меъёрга мувофиқ келиши эканлиги.

Нутқнинг аниқлиги унинг шаклланиш шартларидан бири эканлиги. Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар ҳамда уларнинг атамаси бўлган тил материали ўртасидаги муносиблик. Унинг бузилиш ҳолатлари ва сабаблари.

Нутқ мантиқийлигининг тўғрилиқ ва аниқлик билан чамбарчаслиги. Мантиқийликнинг сўзловчи ёки ёзувчи тафаккурига, ўқувчига ва қобилиятига боғлиқлиги.

Нутқнинг тозаллиги нутқий меъёрдаги асосий шартлардан бири эканлиги. Адабий тил талабларига мос келмайдиган меъёрий унсурлардан ҳоли бўлган идеал нутқ масаласи.

Яхши нутқни шакллантиришдан асосий мақсад унинг таъсирчан бўлишини таъминлаш эканлиги. Нутқда юмор, бадиий-тасвирий воситалар,

суҳбатдошлар ўртасидаги муносабат масалалари. Нутқнинг ифодалилиги, бойлиги, мақсадга мувофиқлиги ҳам сўзлаш жараёнидаги етакчи омиллардан эканлиги.

### 3-мавзу:

#### Педагогнинг нутқи ва нутқ услублари (2 соат амалий).

Режа:

1. Педагог нутқида услубларининг ўрни.
2. Нутқ услублари тавсифи.
3. Нутқнинг оғзаки услуби.
4. Нутқнинг ёзма услуби.

Услуб сўзининг моҳияти, унга берилган турлича таърифлар. Вазифавий услублар, уларнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши ва таснифи. Услублар ҳосил булишида кишилар ижтимоий фаолиятининг роли. Ижтимоий фаолияти соҳалари.

Вазифавий услубларнинг адабий тил тизими ичида қараладиган ёрдамчи тизим эканлиги. Ҳар бир услубнинг хусусий ифода тизими мавжудлиги.

Тил услуби ва нутқ услуби. Тил воситалари услубий тармоқланишининг вазифавий услублар шаклланишидаги асосий омил эканлиги.

Вазифавий услублар таснифига бўлган турлича қарашлар. Бу таснифдаги тилнинг ижтимоий вазифасини тўла ифода этувчи етакчи омиллар. Ўзбек тилидаги услублар кўринишлар: расмий иш қоғозлари услуби, илмий услуб, оммабоп услуб, бадий нутқ услуби, сўзлашув услуби.

Сўзлашув услубининг кишилар кундалик норасмий, эркин муаммолари доирасида тил бирликларининг ўзига хос амал қилиши эканлиги. Сўзлашув услубининг ўзбек тилидаги бошқа вазифавий услублардан фарқловчи лисоний ва нолисоний белгилари.

Расмий иш қоғозлари услуби ҳозирги ўзбек адабий тилининг маъмурий ва ҳуқуқий соҳаларда амал қиладиган кўриниши эканлиги.

Илмий услубнинг фан-техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ услуб эканлиги.

Оммабоп услубнинг хабар, репортаж, корреспонденция, мақола, очерк, фельетон, памфлет, бош мақола сингари оммавий ахборот жанрларнинг тил хусусиятларини кўрсатувчи услуб эканлиги.

Бадиий нутқ услубининг адабий асарлар тилини белгиловчи услуб эканлиги. Бу услубнинг ҳам бошқа вазифавий услублар билан умумий ва фарқли томонлари. Бадиий адабиёт матнида тилнинг коммуникатив ва эстетик имкониятларининг яхлит тарзда намоён бўлиши.

Вазифавий услублар ўзбек тилининг амалдаги имкониятларини ва тараққиёт даражасини кўрсатувчи муҳим лингвистик омил эканлиги.

### **Мустақил таълим мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади: Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланилган манбалар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- тингловчи билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

**Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:**

1. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият.
2. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.
3. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот.
4. Педагогик техника, нутқ техникаси ва маданият.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш сари. Т., 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажиги сари. Т., 1998.
3. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000.
4. Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. Т., 1981.
5. Ахмедов А. Нотиқлик санъати. Т., 1967.
6. Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. Т., 1980.
7. Бегматов Э., Бобоев А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. Т., 1983.
8. Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва стилистика асослари. Програма Т., 1987.
9. Иномхўжаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги. Т., 1972.
10. Сиддиқ Мўмин. Сўзлашиш санъати. Фарғона, 1997.
11. Тожиев Ё., Ҳасанов Н., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. Т., 1994.
12. Умурқулов Б. Сўз танлаш санъати. Т., 1985.
13. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Т., 1982.
14. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нотиқлик маданияти. Т., 1992.
15. Қиличев Э.Р., Қиличев Б.Э. Нотиқлик маданияти. Ўқув қўлланма. Бухоро, 2005.



**ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА**

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Нутқ маданияти ва нотиклик, унинг тарихи	маъруза	2	хар ойнинг биринчи ҳафтаси
2.	Педагог нутқига қўйилган талаблар	маъруза	2	хар ойнинг биринчи ҳафтаси
3.	Педагогнинг нутқи ва нутқ услублари	амалий	2	хар ойнинг биринчи ҳафтаси
4.	Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот	Мустақил таълим	2	

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### Маъруза машғулоти ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:

№	Маъруза шакллари	Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари
1.	Кириш маърузаси	Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш.
2.	Маъруза ахборот	Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.
3.	Шарҳловчи маъруза	Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.
4.	Муаммоли маъруза	Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.
5.	Визуал маъруза	Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.
6.	Бинар (икки кишилик) маъруза	Бу маъруза икки ўқитувчининг ёки иккита илмий мактаб намоёндасининг, ўқитувчи-тингловчининг диалогидан иборат. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларининг мазмунини ёритиш.
7.	Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза	Хатоларни излашга мўлжалланган маъруза охирида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар текширилади. Педагогик вазифаси: янги материаллар мазмунини ёритиш, берилган маълумотни доимий назорат қилиш.
8.	Маъруза конференция	Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга яқун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.
9.	Маслаҳат маъруза	Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади; 2) «Савол – жавоб – дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

## 1-мавзу: Нутқ маданияти ва нотик, унинг тарихи

(маъруза – 2 соат)

### Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Машғулот тури</i>	Ахборот визуал маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Нутқ маданияти тушунчаси тавсифи.</li> <li>Нотиклик санъати тушунчаси.</li> <li>Нотиклик санъатининг тарихи.</li> </ol>
<p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Ўқув модули ҳақида умумий тушунча бериш. Тингловчиларга нутқ маданияти, нотиклик, нотикликнинг ўзига хосликлар ва тарихи ҳақида тушунча беришдан иборат.</p>	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва роли билан таништириш;</li> <li>• ўқув предмети таркибини шарҳлаш ва тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар рўйхатини бериш;</li> <li>• нутқ, нутқ маданияти, нотик, нотиклик тушунчаларига таъриф бериш;</li> <li>• нутқнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, унинг ўзаро мулоқотдаги асосий восита эканлиги ҳамда нотик, нотиклик, нутқ маданияти, нотиклик санъати, нутқнинг тузилиши, таркиби тушунчаларига тавсиф бериш;</li> <li>• нотиклик санъати тушунчасини шарҳлаш; ўзбек маданияти тарихидаги нотиклар, уларнинг ҳаёт фаолияти, ўғитлари борасида фикр юритиш;</li> <li>• нотик нутқига қўйиладиган талабларни изоҳлаш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• нутқ, нутқ маданияти, нотик, нотиклик тушунчалари ҳақида тегишли билим, малакалар ҳосил қилинади;</li> <li>• нутқнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, унинг ўзаро мулоқотдаги асосий восита эканлиги ҳамда нотик, нотиклик, нутқ маданияти, нотиклик санъати, нутқнинг тузилиши, таркиби кабилар ҳақида тасаввур ҳосил қилинади;</li> <li>• нотиклик санъати тушунчасини шарҳланади;</li> <li>• ўзбек халқининг бой маданий меросга эгаллиги, унинг таркибида нотикликнинг ҳам ўзига хос ўрни борлиги ҳақида тушунчалар шакллантирилади;</li> <li>• маданиятимиз тарихининг бир қисми саналган нотикликнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида билим захираси тўпланади;</li> <li>• нотик нутқига қўйиладиган талаблар шарҳланади.</li> </ul>
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза матни, ақлий ҳужум, суҳбат, Б/Б/Б техникаси
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Оммавий, жамоа бўлиб
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
<b>1-босқич. Тайёргарлик босқичи</b>	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
<b>2-босқич. Кириш (15 дақиқа.)</b>	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қилади. Фан бўйича умумий тасаввурни шакллантиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Мавзулар рўйхатини келтиради ва уларга қисқача тавсиф беради. Асосий адабиётлар рўйхатини беради ва шарҳлайди.</p> <p>2.3. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.4. Тингловчиларни ақлий ҳужумга тортиш учун шу мавзу бўйича жонлантирувчи саволлар беради. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар.</p> <p>2.3. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.4. Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)</b>	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади. (2-илова).</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди..</p> <p>3.3. Нутқнинг жамиятда тутган ўрни. Унинг кишилар орасидаги алоқа воситаси эканлиги. Нотикликнинг аҳамияти, унинг ҳозирги пайтдаги ҳолати борасида суҳбат.</p> <p>3.4. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>3.5. Тингловчиларга Б/Б/Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади (3-илова).</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.3. Фикрларини баён қиладилар.</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p> <p>3.5. Жадвални тўлдирадилар.</p>
<b>4-босқич. Яқун ясаш (10 дақиқа)</b>	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни яқунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

## Ақлий ҳужум усули

**Ақлий ҳужум** (брейнстроминг – ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.

### Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари:

1. Мустақил фикрланг, хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

### Саволлар:

1. Нутқ маданияти деганда нимани тушунасиз?
2. Нотиқ ким ва унинг вазифаси нимадан иборат?
3. Нутқ маданияти ва нотиқнинг жамиятдаги ўрни нималарда намоён бўлади?

2-илова

### Кўргазмали материаллар

1-слайд

#### **Цицерон фикрича, нотиқ қуйидаги хислатларга эга бўлмоғи лозим:**

1. Нотиқнинг ўзи жуда дадил ва амин бўлиши керак.
2. Нутқ тўла исботланиши лозим.
3. Нутқдаги ҳамма нарса муҳим ҳисобланиши керак
4. Нутқ материални сидқидил тўплаш ва идрок этиши керак
5. Материални жойлаштира олиши, тушунишга осон бўлишини таъминлаши лозим.

### Алишер Навоий фикрича:



- 1. Нотиқ нотиқлик санъатини қадрлайди ва юксак баҳолайди.
  - 2. "Воиз улдурки, мажлисга кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай".
- ("Маҳбубул қулуб" асарининг 24-боби: "Насиҳат аҳли ва воизлар зикри")

### Ўзбекистонда эл танийдиган нотиқлар етишиб чиқди.

- Қодир Махсумов,
- Тўйғуной Юнусхўжаева,
- Муҳсин Алимов, Ж.Ф. Йўлдошев,
- Л.Қаюмов,
- Э.Юнусов

### Оммавий маърузалардаги намунали нутқ экстралингвистик жиҳатдан қуйидаги факторлар асосида юзага келади:

- 1. Фикр юритилмоқчи бўлган мавзу, энг аввало, нотиқнинг ўзига тушунарли ва ўзлаштирилган бўлиши шарт.
- 2. Тингловчилар ҳукмига ҳавола этилаётган масала ва воқеалар ишончли тарзда баён қилиниши ҳамда унинг ижобий натижа беришига нотиқнинг ўзи ҳам иқрор бўлиши, ишониши лозим.
- 3. Танланган мавзуга шахсий қизиқиши, субъектив фикрли бўлиши ва унга масъулият билан ёндошиши ҳам оммавий нутқ талабидир.
- 4. Нутқ орқали тингловчилар онгига руҳий таъсир ўтказиш, уларни ўз орқасидан эргаштира билиш.
- 5. Нутқни нимадан бошлаш, асосий масалаларни қандай баён қилиш ва уларни ўзаро боғлаш ҳамда яқунлаш режасини пухта ишлаш.
- 6. Нутқ матнини режа, конспект, тезис ёки бутун бир конспект тарзида қоғозга тушириш ва ундан фойдаланиш яхши натижалар беради.
- 7. Нотиқнинг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, имо-ишоралари, овози, ҳатто ташқи кўриниши тингловчиларда катта таассурот қолдиради.
- 8. Нотиқдаги самимийлик, ҳушмуомалалик, одоблилик, тингловчиларга ҳурмат билан қараш, тегишли ўринларда улар билан савол-жавоб қилиш, тинглаш каби қаттор фазилатлар нутқнинг оммабоп бўлишини таъминлайди.



**Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма.**

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдилинг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдилинг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдилинг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

**Б/Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим)**

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Нутқ маданияти тушунчасини			
2.	Нутқ, унинг тузилиши ва таркиби			
3.	Нутқда маданият тушунчаси			
4.	Нотиқ ва нотиқлик			
5.	Машҳур нотиқлар			
6.	Нотиқнинг вазифалари			
7.	Замонавий нотиқлик ва унинг намоянлари			
8.	Алишер Навоийнинг нотиқ ва нотиқлик ҳақидаги қрашлари			



## 2-мавзу: Педагог нутқига қўйилган талаблар (маъруза – 2 соат)

### Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

<b>Вақти – 2 соат</b>	<b>Тингловчилар сони: 15-30 та</b>
<b>Машғулот тури</b>	Визуал, ахборот маъруза
<b>Маъруза режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Нутққа қўйилган талаблар тушунчаси.</li> <li>2. Нутқнинг тўғрилиги.</li> <li>3. Нутқнинг аниқлиги.</li> <li>4. Нутқнинг мантиқийлиги.</li> <li>5. Нутқнинг бойлиги.</li> <li>6. Нутқнинг тозаллиги.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> нутққа қўйилган талабларни шарҳлаш.	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• нутқнинг мантиқий жиҳатдан тўғри, аниқ, чиройли, ёрқин, таъсирчан, мақсадга мувофиқ бўлиш нутқнинг асосий сифатлари эканлиги;</li> <li>• нутқнинг тўғри бўлиши унинг бош алоқавий сифати саналиши. Нутқнинг тўғрилиги унинг адабий меъёрга мувофиқ келиши эканлиги;</li> <li>• нутқнинг аниқлиги унинг шаклланиш шартларидан бири эканлиги. Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар ҳамда уларнинг атамаси бўлган тил материали ўртасидаги муносиблик. Унинг бузилиш ҳолатлари ва сабаблари;</li> <li>• нутқ мантиқийлигининг тўғрилик ва аниқлик билан чамбарчаслиги. Мантиқийликнинг сўзловчи ёки ёзувчи тафаккурига, ўқувчига ва қобилятига боғлиқлиги;</li> <li>• нутқнинг тозаллиги нутқий меъёрдаги асосий шартлардан бири эканлиги.</li> <li>• яхши нутқни шакллантиришдан асосий мақсад унинг таъсирчан бўлишини таъминлаш эканлиги. Нутқда юмор, бадиий-тасвирий воситалар, суҳбатдошлар ўртасидаги муносабат масалалари. Нутқнинг ифодалилиги, бойлиги, мақсадга мувофиқлиги ҳам сўзлаш жараёнидаги етакчи омиллардан эканлиги.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• нутқнинг мантиқий жиҳатдан тўғри, аниқ, чиройли, ёрқин, таъсирчан, мақсадга мувофиқ бўлиш нутқнинг асосий сифатлари эканлиги ҳақида тушунча ҳосил қилинади;</li> <li>• нутқнинг тўғрилиги унинг адабий меъёрга мувофиқ келиши эканлиги ҳақида тасаввур шакллантирилади;</li> <li>• нутқнинг аниқлиги унинг шаклланиш шартларидан бири эканлиги, чунки табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар ҳамда уларнинг атамаси бўлган тил материали ўртасидаги муносиблик мавжудлиги англашилади;</li> <li>• нутқ мантиқийлигининг тўғрилик ва аниқлик билан боғлиқлиги, мантиқийликнинг сўзловчи ёки ёзувчи тафаккурига, ўқувчига ва қобилятига боғлиқлиги шарҳланади;</li> <li>• нутқнинг тозаллиги, унинг адабий тил меъёрларига мослиги ўзлаштирилади;</li> <li>• яхши нутқни шакллантиришдан асосий мақсад унинг таъсирчан бўлишини таъминлаш эканлиги тушунилади;</li> <li>• нутқда юмор, бадиий-тасвирий воситалар, суҳбатдошлар ўртасидаги муносабат масалалари ўзлаштирилади;</li> <li>• нутқнинг ифодалилиги, бойлиги, мақсадга мувофиқлиги ҳам сўзлаш жараёнидаги етакчи омиллардан эканлиги шарҳланади.</li> </ul>
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Маъруза матни, блиц сўров, инсерт усули
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Оммавий, жамоа бўлиб
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<b>Ўқитиш шартлари</b>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
<b>1-босқич. Тайёргарлик босқичи</b>	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Мавзу бўйича фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
<b>2-босқич. Кириш (15 дақиқа)</b>	<p>2.1. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.2. Тингловчилар билан асосий тушунчалар бўйича блиц-сўров ўтказди. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)</b>	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади. (2-илова).</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>3.3. Мавзу бўйича маъруза, тарқатма материаллар тарқатилади, у асосида Инсерт жадвалини тузишни ва уларга олинган ахборотларни киритишни таклиф қилади (3-илова).</p> <p>3.4. Нутққа кўйилган талабларнинг тавсифи, талабларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар бўйича тингловчилар билан суҳбат уюштиради.</p> <p>3.5. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.3. Жадвални тўлдирадилар..</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p> <p>3.5. Тинглайдилар ва ёзадилар.</p>
<b>4 босқич. Яқун яшаш (10 дақиқа)</b>	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим кўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни яқунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>



### Блиц-сўров ўтказиш учун асосий тушунчалар

1. Нутққа қўйилган талаблар тушунчаси.
2. Нутқнинг тўғрилиги.
3. Нутқнинг аниқлиги.
4. Нутқнинг мантиқийлиги.
5. Нутқнинг бойлиги.
6. Нутқнинг тозаллиги.

### Визуал материаллар

<b>Ўзбек адабий тили меъёрлари</b>	
	<ul style="list-style-type: none"><li>■ 1. Фонетик меъёрлар.</li><li>■ 2. Лексик-семантик меъёр (сўз қўллаш)лар.</li><li>■ 3. Талаффуз (орфоэпик) меъёрлар.</li><li>■ 4. Акцентологик (урғунинг тўғрилиги) меъёрлар.</li><li>■ 5. Грамматик меъёрлар.</li><li>■ 6. Сўз ясалиш меъёрлари.</li><li>■ 7. Имловий меъёрлар.</li><li>■ 8. График (ёзув) меъёрлар.</li><li>■ 9. Пунктуацион меъёрлар.</li><li>■ 10. Услубий меъёрлар.</li></ul>

<b>Маданий нутқ мезонлари:</b>	
	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Нутқнинг тўғрилиги.</li><li>2. Нутқнинг аниқлиги.</li><li>3. Нутқнинг мантиқийлиги.</li><li>4. Нутқнинг тозаллиги.</li><li>5. Нутқнинг таъсирчанлиги.</li><li>6. Нутқнинг бойлиги.</li></ol>



**“Инсерт усули”**

**Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

**Матнни белгилаш тизими**

(v) - мен билган нарса.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

**Инсерт жадвали**

Тушунчалар	V	+	-	?
Нутқнинг мураккаб ҳодиса				
Нутқ тўғри, аниқ, чиройли, ёрқин, таъсирчан, мақсадга мувофиқ бўлиши керак				
Нутқнинг тўғрилиги унинг адабий меъёрга мувофиқ келишидир				
Нутқ мантиқийлиги унинг тўғрилиги ва аниқлиги билан боғлиқ				
Адабий тил талабларига мос келадиган нутқ идеал нутқдир				
Яхши нутқни шакллантиришдан асосий мақсад унинг таъсирчан бўлишини таъминлаш				

### 3-мавзу: Педагогнинг нутқи ва нутқ услублари

(2 соат амалий)

#### Амалий машғулотнинг таълим технологияси модели

<b>Вақти – 2 соат</b>	<b>Тингловчилар сони: 20-40 та</b>
<b>Машғулот тури</b>	Амалий машғулот
<b>Машғулот режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Педагог нутқида услубларининг ўрни.</li> <li>2. Нутқ услублари тавсифи.</li> <li>3. Нутқнинг оғзаки услуби.</li> <li>4. Нутқнинг ёзма услуби.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Педагог нутқида нутқ услубларининг қўлланиши бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Услуб сўзининг моҳияти, унга берилган турлича таърифлар таснифланади. Вазифавий услублар, уларнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши ва таснифи, услублар ҳосил бўлишида кишилар ижтимоий фаолиятининг роли, ижтимоий фаолияти соҳаларини очиб бериш.</li> <li>• Вазифавий услубларнинг адабий тил тизими ичида қараладиган ёрдамчи тизим эканлиги, ҳар бир услубнинг хусусий ифода тизими мавжудлигини айтиб бериш.</li> <li>• Тил услуби ва нутқ услуби, тил воситалари услубий тармоқланишининг вазифавий услублар шаклланишидаги асосий омил эканлигини тушунтириш.</li> <li>• Вазифавий услублар таснифига бўлган турлича қарашлар. Бу таснифдаги тилнинг ижтимоий вазифасини тўла ифода этувчи етакчи омиллар. Ўзбек тилидаги услублар кўринишлар: расмий иш қоғозлари услуби, илмий услуб, оммабоп услуб, бадий нутқ услуби, сўзлашув услубини очиб бериш.</li> <li>• Сўзлашув услубнинг кишилар кундалик норасмий, эркин муаммолари доирасида тил birlikларининг ўзига хос амал қилиши эканлиги. Сўзлашув услубининг ўзбек тилидаги бошқа вазифавий услублардан фарқловчи лисоний ва нолисоний белгиларини тавсифлаш.</li> </ul>	<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Услуб сўзининг моҳияти, унга берилган турлича таърифларни очиб беради.</li> <li>• Вазифавий услублар, уларнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши ва таснифини тушуниб етади.</li> <li>• Услублар ҳосил бўлишида кишилар ижтимоий фаолиятининг ролини тушуниб олади.</li> <li>• Вазифавий услубларнинг адабий тил тизими ичида қараладиган ёрдамчи тизим эканлигини таҳлил эта олади.</li> <li>• Тил услуби ва нутқ услубини фарқлай олади.</li> <li>• Вазифавий услублар таснифига бўлган турлича қарашларни таҳлил эта олади.</li> <li>• Сўзлашув услубнинг кишилар кундалик норасмий, эркин муаммолари доирасида тил birlikларининг ўзига хос амал қилиши эканлигини изоҳлай олади.</li> <li>• Расмий иш қоғозлари услуби ҳозирги ўзбек адабий тилининг маъмурий ва ҳуқуқий соҳаларда амал қиладиган кўриниши эканлигини тушунтира олади.</li> <li>• Илмий услубнинг фан-техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ услуб эканлиги очиб беради.</li> <li>• Оммабоп услубнинг хабар, репортаж, корреспонденция, мақола, очерк, фельетон, памфлет, бош мақола сингари оммавий ахборот жанрларнинг тил хусусиятларини кўрсатувчи услуб эканлигини изоҳлайди.</li> <li>• Бадий нутқ услубининг адабий асарлар тилини белгиловчи услуб эканлигини тушунтира олади.</li> </ul>

<ul style="list-style-type: none"> <li>• Расмий иш қоғозлари услуги ҳозирги ўзбек адабий тилининг маъмурий ва ҳуқуқий соҳаларда амал қиладиган кўриниши эканлиги очиб бериш.</li> <li>• Илмий услубнинг фан-техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ услуб эканлиги тушунтириш.</li> <li>• Оммабоп услубнинг хабар, репортаж, корреспонденция, мақола, очерк, фельетон, памфлет, бош мақола сингари оммавий ахборот жанрларнинг тил хусусиятларини кўрсатувчи услуб эканлигини изоҳлаш.</li> <li>• Бадиий нутқ услубининг адабий асарлар тилини белгиловчи услуб эканлиги. Бу услубнинг ҳам бошқа вазифавий услублар билан умумий ва фарқли томонлари. Бадиий адабиёт матнида тилнинг коммуникатив ва эстетик имкониятларининг яхлит тарзда намоён бўлишини тушунтириш.</li> <li>• Вазифавий услублар ўзбек тилининг амалдаги имкониятларини ва тараққиёт даражасини кўрсатувчи муҳим лингвистик омил эканлигини айтиб бериш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Вазифавий услублар ўзбек тилининг амалдаги имкониятларини ва тараққиёт даражасини кўрсатувчи муҳим лингвистик омил эканлигини шарҳлай олади.</li> </ul>
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Савол-жавоб, ақлий ҳужум, Б/Б/Б техникаси, гуруҳлар билан ишлаш
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Оммавий, жамоа бўлиб
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<b>Ўқитиш шартлари</b>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
<b>1-босқич. Тайёргарлик босқичи</b>	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун такдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Мавзу бўйича фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
<b>2-босқич. Кириш (15 дақиқа.)</b>	<p>2.1. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Асосий адабиётлар рўйхатини беради ва шарҳлайди.</p> <p>2.3. Тингловчиларни ақлий ҳужумга тортиш учун шу мавзу бўйича жонлантирувчи саволлар беради. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар.</p> <p>2.3. Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)</b>	<p>3.1. Билимларни янада аниқлаштириш мақсадида Б.Б.Б. жадвалини дафтарга чизишни таклиф этади. (2-илова)</p> <p>3.2. Мавзу бўйича савол-жавоб ўтказилади.</p> <p>3.3. Машғулот режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намоиш қилади. (3-илова).</p> <p>3.4. Тингловчиларни гуруҳларга бўлиб савол-жавоблар ташкил қилади.</p> <p>3.5. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>3.1. Тингловчилар жавоб берадилар, дафтарларига чизадилар, жадвалнинг 3 ва 4 устунларини тўлдирадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунчани муҳокама қиладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.3. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.4. Фикрларини баён қиладилар.</p> <p>3.5. Б.Б.Б. жадвалини 5-устунини тўлдирадилар.</p>
<b>4-босқич. Яқун яшаш (10 дақиқа)</b>	<p>4.1. Муҳокама қилинган масалалар умумлаштиради ва шарҳланади. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни яқунлайди.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p>



**Ақлий ҳужумга тортувчи саволлар**

1. Услуг нима?
2. Нутқ услуги нима ва унинг кўринишлари қайсилар?
3. Нутқ услубларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.

**Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма.**

1. Машғулот режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдириг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдириг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдириг.
4. 5-устунни тўлтириг.

**Б/Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим)**

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Услуг сўзининг моҳияти, унга берилган турлича таърифлар			
2.	Вазифавий услублар, уларнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши ва таснифи			
3.	Тил ва нутқ услубининг фарқланаши			
4.	Тил воситалари услубий тармоқланишининг вазифавий услублар шаклланишидаги асосий омил			
5.	Илмий услубнинг фан-техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ			
6.	Оммабоп услубда хабар, репортаж, мақола, корреспонденция, очерк, фельетон, памфлет, бош мақола қаблар ёзилади			

7.	Бадий нутқ услубининг адабий асарлар тилини белгиловчи унсур эканлиги.			
8.	Бадий адабиёт матнида тилнинг коммуникатив ва эстетик имкониятларининг яхлит тарзда намоён бўлиши			

3-илова

## Визуал материаллар

1-слайд

**Стиль (услуб) сўзи ўзбек тилида қуйидаги маъно ва тушунчаларни билдиради:**

- 1. Бирор ёзувчи ёки бадий асарларнинг тил хусусиятларини ўрганувчи соҳа: Ойбек стили. “Навоий” романининг тили ва стили.
- 2. Санъаткор ижодининг ёки маълум давр санъати ва адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, белгилари йиғиндиси: романтик стиль, қасида стили, дoston стили.
- 3. Синтаксис ва умуман адабий тил меъёрларига мос нутқ қурилиши: содда, равон стиль; дағал, ғализ стиль; стиль камчиликлари.
- 4. Иш-ҳаракат, фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари: раҳбарлик стили, сувда сузиш стили, гапириш стили.

2-слайд

**Расмий-иш услуби:**

- Бу услубдаги нутқ сиқик ва чегаралангандир.
- Сўз ва иборалар аниқ, қатъий бир қолипда ишлатилади.
- Юридик ҳужжатлар, қонунлар, буйруқ ва қарорлар ёзилади.
- Расмий ҳужжатларда нутқ воситаларининг стандартлиги ва бир хиллиги турличадир.
- Расмий - иш услубидаги нутқнинг ҳам ўзига хос лексик ва фразеологик бирликлари (одам ўрнида шахс, берилади ўрнида тақдим этилади, иш ўрнида бурч) мавжуд. Махсус терминлар, нутқий штамплар, тайёр формулалар ҳам расмий-иш услубининг элементларидир (мақсадида, ҳисобидан, шунга кўра, биз қуйида имзо чекувчилар).
- Морфологик жиҳатдан қисқартма қўшма сўзлар (мединиститут, БухДУ), қаратқич келишигидаги отлар, олмошлар, буйруқ майли ва мажҳул даражали феъллар кўп қўлланади.
- Синтактик жиҳатдан сифатдош ва равишдош оборотли бирликларни ҳамда эргаш гапли қўшма гаплар кенг ишлатилади.
- Қўшма кесимлар ( қабул қилинсин, таклиф қилинди, ёрдам берилади) кўпроқ қўлланади.
- Кириш сўзлар, одатда, гап бошида келади. Сўзлар одатдаги тартибда бўлади, инверсияга деярли учрамайди.

### Сўзлашув услуби (2):



- Субъектив баҳо шаклли отлар, сифатларнинг озайтирма ва кучайтирма шаклларининг кўп ишлатилиши бу услубнинг морфологик хусусиятидир.
- Диалектал шаклларни ишлатиш ёки аффиксларни нутқий тежам қилиш ҳам бу услубнинг характерли белгисидир.
- Сўзлашув нутқининг асосини тўлиқсиз гаплар ташкил қилади.
- Сўз-гаплар, эмоционал гаплар, риторик сўроқ гаплар ҳамда боғловчисиз қўшма гаплар кўп ишлатилади.
- Сўз тартиби нисбатан эркин, сўзловчи учун муҳим саналган сўз гап бошида берилади.

### Бадиий услуб (1):

- Бадиий услубда, асосан, бадиий асарлар яратилади. Бадиий нутқ образли ва эмоционал-экспрессивдир. Бунда тилнинг алоқа вазифаси билан эстетик-эмоционал вазифаси қўшилиб кетади.
- Полисемантик, кўчма маъноли сўзлар, синоним, омоним, антонимлар, эскирган ва янги сўзлар, жаргон ва вульгаризмлар, фразеологик иборалар ва халқ мақоллари кенг қўлланилади.
- Сўз ва иборалар воситасида образ яратилади, жонли картиналар чизилади.

### Бадиий услуб (2):

- Отлардаги кўплик шакли (-лар)нинг турли семантик-услубий мақсадлар учун ишлатилиши, кичрайтиш-эркалаш шаклларининг кўп қўлланилади.
- Феъл замонларининг алмашлаб ишлатилиши бадиий услубнинг морфологик хусусиятидир.
- Синтактик жиҳатдан бадиий услуб турли қурилишдаги гапларнинг бўлиши, кўчирма ва ўзлаштирма гапларнинг чегараланмаганлиги, синонимик гаплар, перефразаларнинг кўп учрайди.
- Сўзларнинг тўғри тартиби ва инверсиядан истаганча фойдаланиш мумкинлиги билан характерланади.



## МАЪРУЗА МАТНИ

### 1-мавзу. Нутқ маданияти ва нотик, унинг тарихи

Режа:

1. Нутқ маданияти тушунчаси тавсифи.
2. Нотиклик санъати тушунчаси
3. Нотиклик санъатининг тарихи.

**Таянч иборалар:** *нутқ, маданият, нутқ одоби, оғзаки нутқ, ёзма нутқ, нотик, нотиклик, тил маданияти, нутқ маданияти, тил бойлиги, нутқ бойлиги.*

Ўзбекистон истиқлолининг энг буюк неъматларидан бири сифатида тил мустақиллигини кўрсатиш мумкин. Зеро, тил мустақиллигисиз мустақил давлатнинг ўзини ҳам тасаввур этиш мумкин эмас. Шу маънода тилимиз жозибаси, унинг инсон ҳаётида тутган ўрни, беқиёс аҳамияти, муомала маданияти, нутқ одоби ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Нутқ маданияти инсон умуммаданиятининг бир қисмидир. Киши ўз нутқи орқали фикрлаш қобилиятини, дунёқарашини, атрофидаги воқеа-ҳодисаларга бўлган ўз муносабатини намоён қилади. Нутқ маданиятини эгаллаш тилнинг услубий (стилистик) меъёрларини пухта билиш билан боғлиқ.

Энг аввало, курснинг номи сифатида “нутқ”, “маданият” ва “услубият” тушунчалари ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим.

Нутқ нима? Нутқ арабча сўз. Адабиётларда унинг асосий икки маъноси қайд этилган. 1. Фикрни сўз орқали ифодалаш қобилияти, маҳорати. 2. Амалдаги сўзлашув жараёнидаги тил. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том, 614-б.)

Тил воситалари орқали фикр баён қилиш ва уни англаш нутқдир. Нутқ икки кўринишда намоён бўлади: 1. Оғзаки нутқ. 2. Ёзма нутқ.

Оғзаки нутқ товуш, интонация, пауза билан иш кўрса, ёзма нутқ ҳарф ва турли график белгилар билан иш кўради. Нутқ ўз табиатига кўра индивидуалдир. Ҳар кимнинг ўз нутқи мавжуд. Нутқ кўринишлари вазилавий услубий хусусиятига кўра: илмий, расмий, публицистик, сўзлашув ва бадиий бўлиши мумкин.

Маданият нима? Маданият арабча сўз бўлиб, мадина, шаҳар демак. 1. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи. 2. Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат. 3. Турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари йиғиндиси. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том, 439-б.)

Нутқ маданияти нима? Нутқ маданияти бу фикрларни тил воситалари билан тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб бера олишдир. (С.И.Ожегов) Кенг маънода эса нутқ маданияти нутқий таъсирчанликни, ижодий ёрқинликни, ўткирлик ва ифодалилики билдиради.

Нутқ маданияти тушунчаси икки хилдир:

1. Нутқнинг адабий тил меъёрларига мос келиш даражаси бўлса.
2. Тилшунослик фанининг бир бўлими, яъни адабий тилни янада такомиллаштириш, меъёрлаш билан шуғулланувчи соҳа номидир.

Демак, фикрни тил воситалари билан тўғри, аниқ ва таъсирчан баён қилишнинг бош қодаларига нутқ маданияти асослари дейилади.

Стилистика (услубият) сўзи юнонча бўлиб, стилос – учи ингичка қилиб йўнилган таёқча демак, унинг арабча синоними услуб ёки услубиятдир. Грек мирзолари шу стилос, махсус таёқча билан сирти мумланган тахтачаларга ўйиб хат ёзганлар.

Стил сўзининг ёзувчи тили, бирор асарнинг ўзига хос хусусияти, шахснинг нутқ қурилиши, иш ҳаракатнинг ўзига хослиги (сузиш стили) каби қатор маънолари мавжуд.

Тилшуносликнинг бир бўлими сифатида стилистика (услубият) тил воситаларидан нутқда ўринли ва мақсадга мувофиқ равишда танлаб ишлатиш қоида-қонунларини ўргатувчи фандир.

Стилистика (услубият) фонетик, лексик, грамматик кабиларга бўлиниб, ўз тарихига, тушунча ва категорияларига эга. Булар ҳақида ўз ўрнида тўхталиб ўтамиз.

Юқоридагилардан кўринадики, нутқ маданияти ва услубият ўзаро чамбарчас боғлиқ ходисалардир. Услубий меъёрларни яхши билмай, уларни мукамал эгалламай туриб, маданий нутққа эришиб бўлмайди.

Нотиклик, нутқ маданияти, нотиклик маданияти кабиларнинг мақсади, вазифаси ва текшириш объекти мавжуд.

Буларнинг асосий мақсади омманинг умуммаданий савиясини юксалтиришга ҳисса қўшиш ҳамда мактаб ўқувчилари ва бошқа фойдаланувчиларга нутқ маданияти тарихидан маълумот бериш, улкан нотиклар, адиблар, сўз усталарининг нутқ маданиятини ривожлантириш борасида қилган ишларини ўрганиш ва уларга баҳо беришдан иборатдир.

Фан олдида қўйилган вазифа нутқ маданияти ва услубият масалалари бўйича атрофлича тушунча бериш, кишиларда маданий нутқ малакасини шакллантириш шу билан бирга яхши нутқни баҳолаш ва тарғиб қилишдан иборат.

Фаннинг текшириш объекти ҳам мавжуд. У тилда маълум меъёрга келтирилган тил бирликларининг нутқда қўлланиш шарт-шароитларини, қонуниятларини назарий жиҳатдан асослайди ҳамда бу меъёрларга амал қилишни маълум маънода назорат ҳам қилиб боради. Бунда нутқдаги ютуқ ва камчиликлар ҳам таҳлил қилиниб, уларни тугатишнинг энг маъқул йўллари кўрсатиб борилади. Умуман олганда, нутқнинг адабий тил билан муносабати масаласи бу курснинг асосий хусусиятидир.

Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш лозимки, нутқ маданиятининг тадқиқот объекти, унинг назарий методи, мақсад ва вазифалари ҳақида ҳозирги замон тилшунослигида турли-туман мулоҳазалар, бири иккинчисини инкор этувчи фикрлар билдирилмоқда. Шунинг учун ҳам нутқ маданияти алоҳида фанми ёки тилшунослик фанининг махсус бўлими, деган масала ҳозирча

мунозаралидир. Бизнингча, бу соҳа тилшунослик фанининг махсус бўлимларидан биридир.

Ҳозирги кунга қадар “тил маданияти”, “нутқ маданияти”, “тил бойлиги”, “нутқ бойлиги” тушунчаларини изоҳлашда ноаниқликлар мавжуд. Шунинг учун ҳам дастлаб “тил бойлиги” ва “нутқ бойлиги” ҳақида тўхтаб ўтамыз.

Тил бойлиги тилдаги сўзлар ва иборалар миқдори ва шу тилнинг ифода воситаларига ва ифода усулларига эга эканлиги билан белгиланади.

Нутқ бойлиги тилдаги ана шу имкониятлар, яъни бойликнинг унда қайдаражада ўз аксини топганлиги билан белгиланади. Нутқда тилдаги ранг-баранг воситалар ўз ифодасини топган бўлса, бундай нутқ бой нутқдир.

Тил маданияти деб сўз санъаткорлари томонидан қайта ишланиб ҳамма тушунадиган ва қўллай оладиган даражага келтирилган, маълум давр учун мосланган, барча қонун-қоидалари ва меъёрлари белгиланган, сайқал топган тилга айтилади. Қайси тилда адабий тил қонун-қоидалари паст даражада ишланган бўлса, у тилни маданий деб баҳолаб бўлмайди.

Нутқ маданияти тилдан нутқда фойдаланиш жараёнидир. Нутқ гўзал ёки қуруқ, ёқимли ёки қўпол бўлиши мумкин. Булардан биринчиси маданий нутқ, иккинчиси эса номаданий нутқдир.

Маданий нутқ деб, тилнинг мавжуд барча воситалари ва улар имкониятларидан мақсадга мувофиқ тарзда ўринли, унумли фойдаланилган нутққа айтилади. Нутқ маданияти эса ана шу тилни, алоқа-аралашув қуролини ишлатишга бўлган муносабатдир. Бу муносабат қанчалик юқори бўлса, нутқ ҳам шунчалик маданий бўлади.

Демак, икки ҳодисани англаш лозим:

1. Тил маданияти, яъни адабий тил маданияти:
2. Адабий тилдан тўғри фойдаланиш билан боғлиқ бўлган нутқ маданияти.

Нутқ маданияти курсининг мазмуни қуйидагилар:

1. Бир тилда тўғри сўзлаш ва ёзиш.
2. Фикрни содда, аниқ ва тушунарли ифодалаш.



3. Нутқнинг қисқалиги, ихчамлиги, аниқлиги ва миллийлигини таъминлаш.

4. Тил воситаларидан ўз ўрнида танлаб, мақсадга мувофиқ фойдалана билиш ва ҳ.к.

Назарий жиҳатдан нутқ маданиятини фан сифатида шакллантириш ва шуғулланиш биринчи марта Прага лингвистик тўғараги томонидан ўртага қўйилган эди. Кейинчалик рус тилшунослигининг Москва ва Ленинград мактаблари олимлари томонидан ривожлантирилди. Бу соҳада Л.В. Шчерба, Г.О.Винокур, В.В.Виноградов, С.И.Ожегов, А.Н. Гвоздёв, А.И.Ефимов, Б.Н.Головин, Л.И.Скворцов ва бошқаларнинг хизматлари диққатга сазовордир.

Нутқ маданияти масалалари билан шуғулланиш ўзбек тилшунослигида 20-асрнинг 60-йиллардан бошланди. Айниқса, 1969-йилда Тошкентда ўзбек тили нутқ маданиятига бағишлаб ўтказилган 1-Республика конференциясида қилинган маърузалар шу фан асосини белгилаб берди. Қатор илмий мақолалар, қўлланмалар нашр қилинди ва бу борада жиддий изланишлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон Фанлар Академияси Тилшунослик институти профессорлари С.Иброҳимов ва Э.Бегматов тадқиқотлари диққатга сазовордир. Ўзбек нутқи маданияти ва услубиятини ўрганиш бўйича 1980 йилда “Нутқ маданияти асослари” ўқув дастури Самарқандда нашр бўлди ва шу дастур асосида Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиевларнинг “Нутқ маданияти ва услубият асослари” китоби “Ўқитувчи” нашриёти томонидан 1992 йилда нашр қилинди. Шу қўлланманинг давоми сифатида янги оммабоп бир қўлланма Ё.Тожиев ва бошқалар томонидан ёзилган бўлиб, 1994 йилда Тошкентда нашр қилинди. Бундан ташқари Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Исомиддинова, Б.Умурқуловларнинг “Ўзбек нутқи маданияти очерклари” “Фан” нашриёти томонидан 1989 йилда босмадан чиқарилди. Нутқ маданиятига оид А.Ғуломов, А.Рустамов, С.Иномхўжайев, У.Носиров ва бошқа олимларнинг асарлари ҳам эълон қилинди. Шунга қарамай, бу соҳада қилиниши лозим

бўлган ишлар анчагина. Чунки нутқ маданияти умуминсоний маданиятининг таркибий қисми бўлиб, кишилар уни юқори даражада эгаллаган бўлишлари керак. Аини замонда бугунги мафкуравий курашнинг ўткир қуроли бўлган тилнинг ҳар қачонгидан ҳам кескир бўлишини давр тақозо қилмоқда.

Нутқ маданияти ва нотиклик санъати бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, ҳар иккаласи ҳам кишилар нутқий фаолиятининг намунали бўлишини тақозо қилади. Аммо нотиклик санъати алоҳида маҳорат ва қобилият талаб қилади. Чунки ҳар қандай маданий нутқ эгаси моҳир нотик бўлавермайди. Шунга кўра ҳар иккаласининг ҳам ўзига хос тарихи мавжуддир.

Санъатнинг энг қадимий турларидан бири нотикликдир. Тингловчиларга бирор нарса-ҳодисани тушунтириш, исбот этиш ёки уларнинг ҳиссиётига, тушунчасига таъсир қилиш ниятида сўзланган нутқ нотиклик фаолиятига киради. Бу ҳодисани санъат даражасига кўтара олган ҳар бир шахс нотикдир.

Тил бойлигидан моҳирлик билан фойлана олиш, ўша бойликни нутқнинг гоёвий мазмунига мослаб қўллаш билиш нутқ маданиятидир.

Нутқ маданияти ҳам услубият илми ҳам ўзининг узоқ ўтмишига эга. Улар таълимот сифатида қадимги Рим ва Афинада шаклланган. Гап шундаки, қадимги давлат арбобларининг обрў-эътиборли юқори лавозимларга кўтарилиши уларнинг нотиклик маҳоратига ҳам боғлиқ бўлган. Нотиклик санъати саркардалиқ маҳорати билан барабар даражада улуғланган. Бу икки санъатни мукамал эгаллаган арбобларгина юқори лавозимларга сайланган. Ҳозирги шароит ҳам шуни тақозо этмоқда. Грек нотиғи Демосфен ва Рим нотиғи Цицеронларнинг ҳаёти бунга мисолдир. Улар кишилик жамиятида риторика ва нотиклик санъатининг ўзига хос мактабини яратганлар. Жумладан, Цицерон фикрича, нотик қуйидаги хислатларга эга бўлмоғи лозим:

1. Нотикнинг ўзи жуда дадил ва амин бўлиши керак.
2. Нутқ тўла исботланиши лозим.
3. Нутқдаги ҳамма нарса муҳим ҳисобланиши керак.
4. Нутқ материални сидқидил тўплаш ва идрок этиши керак.

5. Материални жойлаштира олиши, тушунишга осон бўлишини таъминлаши лозим.

Шарқда нотиқлик санъати воизлик деб юритилган. Шунга кўра нутқ – ваъз, нотиқ – воиз деб юритилган. “Қомуси Усманий” луғатида шарҳланишича “Ваъз кишиларнинг қалбини юмшатадиган панд-насихатдир”.

Нотиқлик санъати жуда кўп тарихий даврларни бошидан кечирди ва шубҳасизки, бу даврда ўси, ўзгарди.

Шарқ нотиқлик санъати ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Мавлоно Фахриддин али Сафийнинг “Латойиф ут-тавойиф” номли асарида Султон Бойқаронинг мавлоно Иршод номли сўз устаси бўлганлиги, унинг зўр нотиқ эканлиги қайд қилинган. Худди шунингдек, қози Ўший машхур ўзбек нотиқларидан бири бўлган. У “Мифтоҳ ун-нажжох” (“Сўзнинг калити”) деган нотиқлик маҳоратига бағишланган рисола ҳам ёзган.

Энг аввалло, Алишер Навоий ва унинг замондоош дўстлари Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий, Муин Воиз, Мавлоно Ризоийларнинг нутқ маданияти ва нотиқлик санъати борасидаги хизматларини қайд қилиш жоиздир.

Алишер Навоий нотиқлик санъатини қадрлайди ва юксак баҳолайди. У ўзининг “Маҳбубул қулуб” асарининг 24-бобини тўлалигича “Насихат аҳли ва воизлар зикри”га бағишлайди. Шоирнинг фикрича: “Воиз улдурки, мажлисга кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай”.

Алишер Навоий нотиқлик санъати намояндаларидан тўрт буюк сиймони тилга олади. Улар Хожа Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Ҳусайн Воиз, Мавлоно Муин Воиздир. Буларнинг жуда доно ва фозил киши бўлганликларини, нотиқликда эса санъаткор даражасига кўтарила олганликларини баён қилади.

Алишер Навоийнинг нотиқлик, нутқ одоби ҳақида айтган қуйидаги фиклари диққатга сазовордир: “Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз”, “Сўзни кўнгулда пишқормагунча тилга келтурма ва ҳар неким кўнгулда бор тилга сурма”, “Маъдани инсон гавҳари сўз дурур, гулшани одам самари сўз дурур”, “Кўп демак сўзга мағрурлик, кўп емак нафсга маъмурлик”, “Тил мунча

шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдурки, гар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидир” ва бошқалар.

Ўзбек ҳарбий нотикларининг энг забардаст намояндаларидан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобурдир. Тарихнавис, шоир Муҳаммад Солиҳ: “Мавлоно Бобур Мирзо нутқ сўзлаганда сўз била тоғни нарм айларди”, - деб ёзган эди.

Ўзбек нутқи маданияти ва нотиклик тарихи улкан бир хазинадирки, уни тадқиқ этиш, ўрганиш ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Нутқ маданияти ва нотикликка эътибор кун сайин ортиб бормоқда. Жумладан, мактабларда, ўрта умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий ўқув юртларида нутқ ўстириш, нутқ маданияти курслари алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда. Саводхонлик, тилга, нутққа эътибор янада кучайтирилмоқда. Шу соҳа бўйича илмий назарий анжуманлар Тошкент, Самарқанд, Термиз, Навоий шаҳарларида бўлиб ўтди. Нутқ маданияти ва нотиклик санъатига бағишланган алоҳида дарслик, ўқув қўлланмалари, оммабоп рисоаларнинг кўп нусхада чоп этилиши бу соҳанинг ривожланишига муносиб улуш бўлиб қўшилди.

Ўзбекистонда эл танийдиган нотиклар етишиб чиқди. Қодир Махсумов, Туйғуной Юнусхўжаева, Муҳсин Алимов, Жўра Йўлдошев, Лазиз Қаюмов, Эркин Юсупов ва бошқаларнинг нутқлари ўзининг мазмундорлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Умуман олганда, воизлик (нотиклик) элимизнинг қон-қонига сингиб кетган санъатдир. Бу борада илмий-амалий изланишларни тўхтовсиз давом эттириш давр талабидир.

Ҳозирга қадар нутқ маданияти ва услубияти орасидаги умумий ҳамда фарқли томонлар етарли ўрганилмаган. Бу икки ҳодиса орасидаги муносабатни белгилашда фанда 4 хил нуқтаи назар бор:

1. Нутқ маданияти бу услубиятнинг ўзидир.
2. Нутқ маданияти бу амалий услубиятдир.
3. Нутқ маданияти билан услубият ўзаро зич боғланган ҳодисалардир.

4. Ҳар иккаласи ўзича мустақил соҳадир.

Бу борада олимлар орасида мунозара мавжуд. Шунга қарамай, услубият ва нутқ маданияти орасидаги ўхшашлик ва фарқлар белгиланмоқда. Булар қуйидагилар:

1. Услубият ва нутқ маданияти тилшуносликнинг бир-бирига алоқадор, аммо алоҳида мустақил соҳаларидир.

2. Услубият соҳаси нутқ маданиятини кўтаришга ёрдам берадиган омиллардан бири.

3. Услубият шароитга, мазмун ва мақсадга кўра нутқни турлича тузиш йўллари ўргатади.

4. Услубият кишиларда гапира олиш малакасини, маҳоратини тарбиялашган хизмат қилади.

5. А.В.Степановнинг фикрича, нутқ маданиятини кўтариш ва тарбиялашнинг асосий воситаси амалий стилистикани ўқитишдир. (Степанов А.В. О культуры речи и практической стилистике. Вестник высшей школы. 1981, 6, с 46.)

6. Нутқ маданияти услубиятдан нутқий услубларга ёндашиш жиҳатидан ҳам фарқланади. Нутқ маданияти соҳаси услубларга адабий тил меъёрлари, ахлоқий эстетик қарашлар нуқтаи назаридан ёндашади, яъни жаргонлар, вульгаризмлар, варваризмларни инкор қилади, уларни нутқ маданиятини бузадиган ҳодисалар деб баҳолайди. Шунингдек, нутқ маданияти сўзларнинг ёзилиш ва айтилишига кўра нотўлиқ бузилган вариантларни салбий баҳолайди. Услубият тилнинг юқорида келтирилган воситаларини услубий вазифасига кўра ўрганади ва баҳолайди.

7. Услубиятни ўзбек алфавити, орфографияси ва орфоэпиясини такомиллаштириш иши деярли қизиқтирмайди. Нутқ маданияти булар билан жуда қизиқади.

8. Услубият ўз мундарижасига кўра: фонетик, лексик ва грамматик кўринишларга эга. Яъни тилдаги фонетик, лексик ва грамматик воситалардан

нутқда мақсадга мувофиғини танлаб ишлатиш қонун-қоидаларини ўргатишга ёрдам беради.

Кўринадики, нутқ маданияти ўз мақсад ва вазифалари доирасига кўра анча кенг ҳодиса бўлса, услубият анчагина тор, жузъий соҳадир. Шундай қилиб, нутқ маданияти билан услубият соҳалари тенг ҳодисалар эмас, аммо улар бири иккинчисини тўлдиради.

Ўзбек адабий тили меъёрлари ва нутқ маданияти

Нутқ маданияти реал нутқий ҳодисадир. Табиий равишда объектив эҳтиёжлар туфайли кишиларда тилга муносабатнинг муайян меъёрлари, қоидалари юзага кела бошлаган ва уларга риоя қилиш кўринишлари пайдо бўла борган. Улар қуйидагилар:

- сўзловчи ёки тингловчи гапирганда ёки эшитганда муайян ахлоқ, одоб нормасига риоя қилиш;

- таъсирчан ва чиройли гапиришга интилиш;

- тилга ҳурмат, ўз гапи ва ўзгалар гапига эътиборли бўлиш;

- ўринли сўзлаш ёки тинглаш маданияти;

- суҳбат маданияти;

- мунозара маданияти;

- тилга эътибор ва эҳтиёткорлик ва ҳ.к.

Келтирилган талаблар умуммеъёр, умуммажбурият даражасига кўтарилган. Қадимий даврдан кишиларда нутқ маданияти табиий инстинкт, кўникма тарзида стихияли шаклланган ва ривожланган.

Нутқ маданияти учун адабий тил меъёри ўлчови керак бўлади. Хўш, адабий тил меъёри нима?

Б.Н.Головин таъкидлашича: "Тил меъёри – бу тил бирликлари ва унинг қурилишини ўзаро яхши тушиниш Мзарурати туфайли пайдо бўлган, ундан фойдаланувчи халқ томонидан яратилган амалдаги қоидалар йиғиндиси" ("Основы культуры речи", 18-19-б.). Яъни адабий тил меъёри бу тил унсурларининг халқ ўртасида кўпчиликка маъқул бўлган вариантини танлашдир. Меъёр ўзгарувчандир. Умумий ва хусусий меъёрлар мавжуд.

Профессор Э.Бегматов ва бошқалар томонидан нашр қилинган “Адабий норма ва нутқ маданияти” (75-бет) китобида ўзбек адабий тилининг қуйидаги меъёрлари қайд этилган ва уларга хос хусусиятлар баён қилинган:

1. Фонетик меъёрлар.
2. Лексик-семантик меъёр (сўз қўллаш)лар.
3. Талаффуз (орфоэпик) меъёрлар.
4. Акцентологик (урғунинг тўғрилиги) меъёрлар.
5. Грамматик меъёрлар.
6. Сўз ясашиш меъёрлари.
7. Имловий меъёрлар.
8. График (ёзув) меъёрлар.
9. Пунктуацион меъёрлар.
10. Услубий меъёрлар.

**Фонетик меъёр.** Ҳозирги ўзбек адабий тили учун 6 та унли, 23 та ундош товушининг қўлланилиши меъёр ҳисобланади.

**Лексик-семантик меъёр.** Ҳозирги ўзбек тилининг луғавий меъёри деганда, сўз вариантларидан ҳамма учун тушунарли бўлган кўринишини танлаб олиш тушунилади. Луғавий меъёр имло, талаффуз ва таржима луғатларида ўз аксини топган бўлади. Нутқда сўзнинг маъносини билмай ишлатиш (бўса, бўлса) шева сўзларини қўллаш, паронимларининг маъносини билмай ишлатиш (аср, асир, арчиш, артиш, ёриқ, ёруғ) рус тилидан кўр-кўрона калка қилиш, (Бугунги тантананинг айбдорлари, бошлиқ ўзидами, ман ўзимда бўламан). Етти қароқчи дейилмасдан, катта айиқ дейиш меъёр ҳисобланмайди.

**Талаффуз меъёрлари.** Тил бирликларининг оғзаки нутқ жараёнида адабий тил меъёрларига мувофиқ келишидир. Аммо оғзаки нутқ, яъни талаффуз меъёрлари ўзбек тилшунослигида қатъий белгиланмаган. Айниқса, русча сўзларни ёзма шаклига тақлид қилиб айтиш (Москва, Восток), қабул қилинган сўзни ўзбекча акцент билан айтиш (Англия, кафедра) сўзларини шевага хос айтиш (жоқ, жўл). Талаффуз меъёрларни эгаллашда орфоэпик

луғатларнинг аҳамияти каттадир. (қаранг: Содикова М. Усмонова Ў. Ўзбек тилининг орфоэпик луғати. “Ўқитувчи”, 1977; Асомиддинова М. ва бошқалар. Ўзбек адабий талаффуз луғати, “Фан”, 1984.)

**Акцентологик меъёр.** Бунда урғуни сўз ва гапларда тўғри қўллаш меъёри тушунилади. Масалан: **олма-олма, янги-янги, ҳозир-ҳозир** сўзларида урғуни тўғри ишлатмаслик сўз маъносига таъсир қилади.

**Грамматик меъёр.** Ҳозирги тилимизда турловчи ва тусловчи шаклларнинг энг мақбул вариантлари танлаб олинган ва улар нутқда барқарор шаклда ишлатилмоқда. Шунга қарамай, баъзан -нинг ўрнида -ни, -лар ўрнида -ла шакллари хато қўллаш ҳоллари учрайди: Директорни хонасида кўрдим - Директорнинг хонасида кўрдим. Биринчи мисолда директорнинг ўзини, иккинчисида бошқа кишини кўрганлик маъноси англашилмоқда.

**Сўз ясалиш меъёри.** Сўз ясовчи қўшимчаларнинг фонетик тузилиши жиҳатидан бир қолипда ишлатилиши сўз ясалиш меъёри ҳисобланади. Ҳолбуки, нутқда сифат ясовчи -ли ва от ясовчи -лик қўшимчалари фарқланмай қўлланилмоқда. Пахтали чопон, бухоролик йигит дейиш ўрнига пахталик чопон, бухороли йигит деб хато айтилмоқда ва ёзилмоқда.

**Имловий (орфографик) меъёр.** Адабий тилнинг маданийлик даражасини белгиловчи асосий мезонлардандир. Кирилл алифбосидаги ўзбек адабий тилининг имло меъёрлари Ўзбекистон Олий Совети Президиуми томонидан 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари”га таянади. 72 параграфдан иборат.

1995 йилда янги лотин алифбосига ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Лотин алифбосига асосланган ёзувда янги орфографик қоидалар ҳам яратилди.

**График (ёзув) меъёр.** Ҳозирги ёзувимиз лотин алифбоси 29 ҳарф ва 1 белгини ўз ичига қамраб олган. Бош ва кичик ҳарфлар ҳамда ёзма ва босма шакл кўринишларига эга бўлган ёзув меъёрийдир.



**Пунктуацион меъёр.** Ўн тиниш белги асосида иш кўради. К.Назаров томонидан “Ўзбек пунктуациясининг асосий қоидалари” лойиҳаси тайёрланиб “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинди. 1983 йилда бунга ҳам яқун ясалди.

“Ўзбек орфографияси ва пунктуацияси асосий қоидалари”нинг лойиҳаси халигача махсус қарор билан қабул қилинганича йўқ. Шунга қарамай, вақтли матбуотда бир сўзни турли хил ёзиш ҳукм сурмоқда. Чоғиштиринг: Октябр - ўктябрь, рус - ўрис, 90-нчи йил каби. Бу ҳол нутқ маданиятига салбий таъсир кўрсатади.

**Услубий меъёр.** Адабий тилнинг услубий меъёри тил бирликларининг нутқда шароитга қараб энг маъқулини қўллашдир. Ҳолбуки, синонимлардан нотўғри фойдаланиш, сўз такрори, айрим эскирган ёки жаргон сўзларни қўллаш нутқни услубий жиҳатдан норавон қилади. Хуллас, юқоридаги меъёрларга риоя қилиш, амал қилиш шу тилда сўзлашувчи ва ёзувчи кишилар учун мажбурийдир.

Ўзи сўзлашаётган нутқига эътиборсизлик, адабий тилни бузиб гапириш ҳоллари ҳозирги ёшларимиз нутқида кам бўлсада учраб туради. “Бухоро ҳақиқати” газетасининг 1986 йил, 13 декабрь сониданашр қилинган “Тил - маданият ойнаси” мақоласида айрим ёшлар нутқи танқид остига олинган эди:

- Привет Мухи (аслида салом, Мухиба бўлса керак.)
- Чао Зули (менимча, Зулфия бўлса керак).
- Ишларинг қалай дугон?
- Ништяк, ўзингники-чи?
- Више...

Хуллас, ўзбек адабий тили ўзбек миллий нутқ маданиятининг таянч нуқтаси, асоси ҳисобланади. Адабий тил меъёрларига тўла риоя қилинса, унинг қоидалари ўзлаштирилса, нутқ маданияти ҳам ривожланади.

**Назорат саволлари:**

1. Нутқ маданияти нима ва унинг қандай хусусиятлари бор?
2. Нотиқ ким ва унга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
3. Қандай нутқ маданий нутқ саналади?
4. Нутқ маданияти қандай шаклланади?

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш сари. Т., 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажаги сари. Т., 1998.
3. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000.
4. Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. Т., 1981.
5. Ахмедов А. Нотиқлик санъати. Т., 1967.
6. Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. Т., 1980.
7. Бегматов Э., Бобоев А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. Т., 1983.
8. Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва стилистика асослари. Программа Т., 1987.
9. Иномхўжаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги. Т., 1972.
10. Сиддиқ Мўмин. Сўзлашиш санъати. Фарғона, 1997.
11. Тожиев Ё., Ҳасанов Н., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. Т., 1994.
12. Умурқулов Б. Сўз танлаш санъати. Т., 1985.
13. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Т., 1982.
14. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нотиқлик маданияти. Т., 1992.
15. Қиличев Э.Р., Қиличев Б.Э. Нотиқлик маданияти. Ўқув қўлланма. Бухоро, 2005.

## 2-мавзу: Педагог нутқига қўйилган талаблар

Режа:

1. Нутққа қўйилган талаблар тушунчаси.
2. Нутқнинг тўғрилиги.
3. Нутқнинг аниқлиги.
4. Нутқнинг мантиқийлиги.
5. Нутқнинг бойлиги.
6. Нутқнинг тозалиги.

**Таянч иборалар:** нутққа қўйилган талаблар, нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг мантиқийлиги, нутқнинг бойлиги, нутқнинг тозалиги, интонация, урғу.

Нутқнинг алоқавий сифати, унинг мақсадга мувофиқлиги маданий нутқдан талаб қилинувчи асосий мезон (ўлчовлар) билан белгиланади. Маданий нутқнинг лингвистик ва нолингвистик мезон (ўлчов)лари қуйидагилар: нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг мантиқийлиги ва тозалиги, нутқнинг таъсирчанлиги (образлилиги), нутқнинг ўринлилиги. Бу ўлчовлар кўп қиррали ва мураккаб бўлиб, ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланган. Нутқда улардан бири ўз меъёрида бўлмаса, том маънодаги маданий нутқ юзага келмайди. Юқорида қайд қилинган мезонлар баъзи адабиётларда нутқнинг коммуникатив (алоқавий) сифатлари деб ҳам юритилади.

Қуйида нутқ мезонларининг ҳар бирига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритамиз.

### Нутқнинг тўғрилиги.

Нутқий маданиятнинг муҳим белгиларидан бири фикрни тўғри, мазмунли баён қилишдир. Нутқда қўлланадиган ҳар қандай тил воситасининг кучи адабий тил меъёрларига таянилгандагина руёбга чиқади. Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик, лексик-семантик ва грамматик меъёрлари

талабларига тўла мос келадиган нутқ тўғри нутқдир. Адабий тилнинг қайд қилинган меъёрлари билан тўғри нутқ тузиш орасидаги муносабатлар ҳақида алоҳида фикр юритамиз. Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик меъёри нуктаи назаридан нутқнинг тўғрилигига эътибор қаратилса, қуйидагилар намоён бўлади.

Нутқнинг талаффуз (орфоэпик) маданияти тил материалларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш билан боғлиқдир. Бунга сўз ва ибораларнинг тўғри дикцияси, сўз ва мантиқий урғу, интонация (оҳанг) ҳамда пауза (тўхтама)га эътибор қилиш орқали эришилади. Орфоэпик жиҳатдан нутқнинг тўғри бўлиши, асосан, сўз ва гап урғусининг тўғри ишлатилишига боғлиқ. Масалан, рус тилида урғу эркин бўлса, ўзбек тилида урғу боғлиқдир. Яъни сўз ўзакларига қўшимчалар қўшилганда, урғунинг тушиш ўрни ҳам ўзгариб боради: Ишчи – ишчилар – ишчиларга каби. Демак, талаффузда ана шу меъёрни Мсақлаш лозим бўлади. Худди шунингдек, сўзлардаги урғунинг кўчиши баъзан унинг маъносини ҳам ўзгартади: Олма – олма, қатлама – қатлама, янги – янги, ҳозир – ҳозир каби қатор сўзларнинг қандай маъно ифодалаши фақатгина урғу ёрдамида ойдинлашади.

Сўзлардаги урғуни нотўғри қўллаш маъно ва адабий талаффузни бузади: бино – бийно, сино – сийно каби. Маънони таъкидлаб кўрсатишда мантиқий урғудан ҳам фойдаланилади. Масалан, Мен кинога бордим гапи мантиқий урғусига кўра уч хил фикрни англатиши мумкин. Мен бордим (сен эмас), кинога (театрга эмас) бордим (бормадим эмас.)

Нутқда мантиқий урғуни тўғри қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, семиз папкали киши келди; онасиз бола ўйнамас каби гапларнинг маъноси урғунинг қайси гап бўлагига тушишига кўра турлича маъноларни ифодалаши мумкин. Нутқ маданияти олдидаги долзарб муаммолардан бири ҳозирги талаффуз меъёрини аниқлашдир. Маданий нутқда сўзларнинг тўғри талаффуз қилиниши энг муҳим шартлардан биридир. Ҳатто айрим сўзларни эскирган шаклда талаффуз қилиш ҳам нутқ маданиятини хиралаштиради: ишкоп, устал, пан, паришта (адабий талаффузи: шкаф, стол, фан, фаришта)

Худди шунингдек, талаффузи бир-бирига яқин бўлган сўзларни фарқига бормай (шавкат – шафқат) ёки эътиборсизлик натижасида х товуши ўрнида х (моҳир – мохир, машҳур – машхур, шоҳ – шох)ни; у товуши ўрнида ў (улкан – ўлкан, товушини қўллаш ғайриқонунийдир. Бирор сўзни тарихий этимологик томонлари ва грамматик хусусиятларини яхши билмай туриб, уни тўғри талаффуз қилиш мумкин эмас.

Эндиликда матбуот саҳифаларида ўзбеклар учун талаффузи қийин бўлган философия, философик таълимот, философик материализм атамалари ўрнида уларнинг маъноларини айнан ифода қиладиган ўзбекча талаффуз меъёрларига мос келадиган фалсафа, фалсафий таълимот, фалсафий материализм каби қадимги вариантларни қўллаш меъёр саналади. Маълумки, бошқа тиллардан сўз қабул қилиш нутқдан бошланади. Сўз қабул қилувчи тил ҳар бир сўзни ўз “ғалвири”дан ўтказди ва қонун-қоидаларига бўйсундириб олади. Бундай ҳолат энг аввало, қабул қилинган сўзнинг талаффузида намоён бўлади. Нутқда бунга риоя қилмаслик орфоэпик хатоларга олиб келади. Ҳамда нутқни ғализ қилади. Сўзларнинг талаффузида улар таркибидаги товушларнинг фонологик хусусиятга эга эканлиги ҳисобга олинади. Жумладан, араб ва рус тилларидан қабул қилинган сўзлар таркибидаги **ф** ва **ж** товушлари ўзбек тили фонемалари таркибидан ўрин олганлиги учун бу товушларни нутқда **п** ва **ж** тарзида, яъни пойда (фойда), пақир (фақир), Парғона (Фарғона) пабрика (фабрика), пизика (физика) журнал, жюри тарзида талаффуз қилиш хато ҳисобланади. Лекин рус тилидаги **ц**, **х**, **ў** товушлари ўзбек тили фонемалари таркибидан ўрин ололмаган. Чунки бу товушларнинг фонологик параметрлари бутунлай бошқа. Шунинг учун уларни “с” (ески қабул қилинган сўзларда эса “ч” Мтарзида), “ш” ва “и” тарзида талаффуз қилиш мумкин: цилиндр (цилиндр), сиркул (циркул), черков (церков), чоризм (царизм), ши (ҳи), виставка (вўставка) каби. Рус тили учун ундош товушларнинг қаттиқ-юмшоқлиги фонологик аҳамиятга эга. Ўзбек тилида бу ҳодиса аҳамиятсиздир. Шунинг учун рус тилидан кирган сўзларда юмшоқ ва қаттиқ товушларни ҳам, бир

хил талаффуз этиш меъёр ҳисобланади: январь, февраль, палто каби. Интонация (оҳанг) туфайли сўзларнинг маъно ифодалаш имкониятлари кенгайди. Масалан, келинг сўзи айтилиш оҳангига кўра самимият масхаралаш, норозилик, ўксиниш каби қатор маъноларни ифодалаш мумкин.

Одатда, интонация нутқ сўзланиб турган вазиятда юзага келади ва у ҳар хил кўринишда бўлади. Бу ҳақда С. Иномхўжаев қуйидагиларни ёзади: “Мантиқ тақозоси, аниқ вазиятлар талабига кўра битта сўз бир-бирига ўхшамаган олам-олам маъно англатишига қодир. Жумладан, биргина “салом” сўзининг ўзи қуйидаги мазмунларни ифода этиши мумкин:

Салом! – “келинг” маъносида.

Салом! – “хўш хизмат”.

Салом?! – “яна келдингми?”

Сало-о-м! – “жуда вақтида келдинг”.

Сало-о-м?! – “мен сизни танимаяпман”.

Салом!!! – “гап тамом”.

Салом! – “ҳа ишинг тушдимми?”

Салом! – “бир пас кутиб туринг”.

Салом! – “вақтим йўқ, кетавер”.

Са-лом! - “мана ишим битди, гапир энди” каби қатор маъноларни ифодалайди. Аниқ шарт-шароит мазмунидан келиб чиқиб, фикрлаб сўзловчи сўз санъаткорининг нутқи юксак маданияти билан эъзозланса, ўйламай талаффуз қилувчи санъаткорининг нутқи маданий паст савияда эканлиги билан характерланади. Тўғри нутқ тузишда пауза (тўхтам)нинг ҳам алоҳида ўрни бор. Пауза нутқдаги жумлаларнинг, гапдаги айрим сўз ёки сўз бирикмаларининг чегарасини кўрсатади. Паузани нотўғри қўллаш нутқнинг мазмунини ўзгартириши мумкин: Поезддан уч болали она тушди боласи бор бирта онами? Ёки ҳар бирида биттадан боласи бор учта онами?) Яна чоғиштиринг: Одам боласи бўл отанг каби ахлоқ бўлма. Албатта, бундай ҳолларда тиниш белгиси муҳим аҳамиятга эга. Тўғри нутқ тузиш учун

фикрни ҳар томонлама мазмунли, ифодали қилувчи сўз ва сўз вариантларини топа билиш, уларни ўз ўрнида ишлата олиш муҳим омилдир. Бошқача айтганда, луғавий маданият бу сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари ҳамда синоним, омоним, антоним, пароним, чегараланган лексика ва бошқаларнинг маъно қирраларини тўла англаган ҳолда нутқда қўллай олишдир. Маълумки, ҳар бир сўз ўзига хос маъноси билан нутқда ажралиб туради. Агар сўз кўп маъноли бўлса, нутқда қайси маъноси билан қўлланилаётгани очиқ бўлиши керак. Сўзнинг лексик маъносини тушунмаслик уни хато қўллашга олиб келади: Ўн кун деганда ер ҳайдаш, ариқ чопиш тугалланди. Бу гапда чопиш сўзи хато қўлланган. Одатда, ариқ чопилмайди, қазилади. Бир абитуриент ўз иншосида “Ғофир Солиҳбойнинг кироли эди” - эди деган жумлани ишлатган. Абитуриент кирол – подшоҳ, карол эса хизматкор, қул маъносида қўллана олишини ажрата олмайди.

Синонимлар нутқни таъсирчан қилиш билан бирга, турли қайтариқларнинг олдини олиб, уни раван қилади. Нутқда синонимларнинг маъно ва услубий нозикликларини тўла англаган ҳолда фойдаланиш лозим. Акс ҳолда нутқий ғализлик вужудга келади. Чунки бир парадигмани ҳосил қилган синоним сўзлар турли сўзлар билан турлича синтагматик муносабатга киришади: ориқ ва озғин синонимларидан озғин одамларга нисбатан, ориқ эса ҳайвонларга нисбатан ишлатилади. Яна чоғиштиринг: Пухта, пишиқ мустаҳкам, маҳкам, чидамли каби синоним сўзлар бино, ирода, ғишт, йигит сўзлари билан синтагматик алоқага кириши ҳам, кирмаслиги ҳам мумкин.

Тил луғат бойлигини оширишда бошқа тиллардан қабул қилинган сўзлар муҳим аҳамиятга эга. Аммо чет тилидан кириб қолган сўзларнинг маъно тузилишини етарли англамай нутқда қўллаш ҳоллари ҳам учрайди. Жумладан, рус тилидан кириб келган “кандидат” сўзининг “сайланадиган шахс” маъносига тилимизда мавжуд бўлган “номзод” сўзи тўла синоним бўлиб келади. Бу ҳол нутқий қўлланишларда тўла сақланади: Депутатликка кандидат дейиш ўрнига номзод дейиш ўринли ва маъқул. Аммо кандидат сўзининг илмий даража ифодалаши маъносида уни номзод сўзи билан

алмаштириш мумкин эмас. Чунки кандидат сўзининг семантик таркиби номзод сўзига нисбатан анча кенгдир. Буни “фан доктори” бирикмасини ҳозиргача ўзбекчалаштира олмасликда ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, тилда мавжуд бўлган, кенг халқ оммаси онгига сингган айрим чет сўзлар (рус - интер: кандидат) ўрнига яна бошқа бир чет тилидан (тожикча: номзод) сўзини олиб ишлатишга эҳтиёж йўқдир. Бу тартибда тузилган нутқни тўғри нутқ деб бўлмайди.

Ҳозирги кунда сўзлаш маданиятида сезилаётган яна бир тенденция араб ва форс сўзларини зўрма-зўраки ишлатиш ҳисобига ёзма ва оғзаки нутқни жимжимадор, дабдабали қилишга интилишдир: Жумладан, сарафроз, зуҳур этмоқ, алҳол, мухтасар, номавзун каби сўзлар ўрнига ўзбекча муқобилларини ишлатиш ўринли бўлади. Худди шунингдек, адабий тил луғат таркибидан ўрин олмаган, фақат сўзлашув нутқида ишлатиладиган гостинца, столовой, больница, библиотека каби қатор сўзларнинг ўзбекча муқобилларини ишлатиш нутқий тўғрилиқни таъминлайди.

Тўғри нутқ тузиш кишининг руҳий ҳолати муносабати билан боғлиқ. Жумладан, сен ва сиз кишилиқ олмошлари нутқ вазияти ҳамда сўзловчи ва тингловчи муносабатига кўра турлича семантик-услубий вазифа бажаради. “Сен” кишиларни яқинлигини (ёши ёки қариндошлиги жиҳатидан) кўрсатади. “Сиз” сўзида ҳурмат семаси бўлганлиги учун ёши улуғ ёки таниш бўлмаган кишиларга нисбатан ишлатилади ва орада оз бўлсада масофа сақланади. Айни замонда “сен” кўполлик, ҳурмацизликни, “сиз” эса диққат ва хушмуомалалиқни ифодалайди. Нутқ жараёнида бирор бир сабабсиз шароитда “сиз” дан “сен” га ва аксинча сўзлашга ўтиш ўринли эмас. Чунки “сиз” сўзидан кейин “сен” лаш ноқулайлик туғдирса, “сен” дан кейин “сиз” лаш эса муомалада совуқлик яратади. Хулоса қилганда, ҳар иккала ҳолатда ҳам нутқий тўғрилиқ бузилади.

Нутқда ортиқча кераксиз сўзларни қўллаш унинг маъносини, таъсир кучини саёзлаштиради. Жумладан, айрим нотиклар нутқидаги масалан,



демак, так, ниҳоят, хўш сўзларининг такрор-такрор ишлатилиши бунга мисол бўлади.

Айрим шахслар нутқида бепарволик оқибатида русча сўзларни эҳтиёжи бўлмаган ўринларда ишлатадилар: ака ўрнига брат, братан, банд ўрнига зайнит, ота ўрнига пахан марҳамат ўрнига пожалиста каби. Худди шунингдек, ёшлар орасида жуда чиройли исмларни бузиб, русчага таклидан талаффуз этадилар: Иродани - Ира, Адолатни - Адик, Дилбарни - Диля, Улуғбекни - Удик каби.

Юксак нутқ маданиятига эришиш учун шевачиликнинг айрим салбий таъсиридан ҳам қутулмоқ лозим. Ҳозиргача матбуот, радио ва телекўрсатувларда шевачилик таъсири сезилади.

Нутқ маданияти, нутқнинг тўғрилиги грамматика билан узвий боғланган. Грамматик меъёрларни яхши билиш фикрни юқори савияда шакллантиришга ёрдам беради. Нутқда грамматик шаклларнинг маъно ва тузилишига бефарқ қараш, вазиятга мос тушмайдиган сўзларни синтагматик муносабатга киритиш, гапларни ўринсиз такрорлаш айтилаётган фикрни хиралаштиради. Тўғри нутққа қўйиладиган талаблардан бири унинг грамматик жиҳатдан тўғри шакллантирилишидир. Шунинг учун тўғри нутқ тузишда лексик воситалар билан бир қаторда грамматик кўрсаткичларга ҳам етарли эътибор қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, қаратқич келишиги қўшимчаси -нинг шаклини белгили ва белгисиз қўллаш билан боғлиқ муаммолар бор. қаратқич келишиги қўшимчасини тушириб қолдирганда, гапнинг маъноси, мазмунига зарар етмаса, нутққа ихчамлик, енгиллик беради: Шарқ юлдузи, халқ ижоди, тил олди, тил орқа ва ҳ.к. Баъзи ҳолларда қаратқич келишиги қўшимчасининг тушириб қолдирилиши, ахборотни алоқа жараёнини оғирлаштиради, ўқувчи фикрнини чалғитади: Аскар отаси деб ёзганда, матнни ўқиб чиқмасдан туриб, гап ким ҳақида бораётганлигини билиб бўлмайди: аскарнинг отаси ҳақидами ёки аскар бировнинг отасими? Демак, тўғри нутқ тузишда ҳар бир грамматик шаклнинг ўзига хос белгиси ва мазмуни ҳисобга олинади.

Таниқли сўз санъаткори А.Қахҳор ўзининг “Санъаткор” ҳикоясида ҳам қаратқич ва тушум келишикларини фарқламай ишлатадиганлар учрашини қаттиқ танқид остига олган эди: Пожарнўй “гугуртни ерга ташламанг”, - деди. Режиссёримиз эса “гугуртнинг ерга ташламанг”, деди. Қандай чиройлик!

Тўғри нутқ тузишда синтактик меъёрларга аҳамият бериш: гапда мантиқий боғланишларга, жумлаларни ортиқча чўзиб юбормасликка эга-кесим мослиги ҳамда иккинчи даражали бўлақларнинг боғланишига диққат қилиш ҳам талаб этилади.

Хулоса шуки, тилдаги лексик, фразеологик ва грамматик воситалардан ўринли ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиб тўғри нутқ тузиш ҳар бир маданиятли кишининг, айниқса нотикнинг муқаддас бурчидир.

### **Нутқнинг аниқлиги.**

Аниқлик – бу айтилаётган сўз ёки иборанинг ўзи ифодалаётган воқеликка мутлақо мос ва мувофиқ келишидир. Аниқлик маданий нутқнинг асосий белигиларидан бири бўлиб, нутқий тўғрилиқ билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқий тўғрилиқ бўйича юқорида баён қилинган барча фикрлар нутқ аниқлигига ҳам алоқадор. Нутқ аниқлиги луғавий ва грамматик воситаларнинг тўғри айтилиши ва ёзилиши орқали рўёбга чиқади. Нутқий аниқлик дейилганда, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар билан уларнинг алоқа жараёнидаги атамаси бўлган материали ўртасидаги мутаносиблик тушунилади. Яхши нутқнинг коммуникатив сифати бўлган аниқликни “нутқ – воқелик”, “нутқ – тафаккур” муносабати асосида белгилаш мумкин.

Нутқ аниқ бўлиши учун, энг аввало, сўзлар ўзи ифодалаб келган денотати маъносини тўла акс эттириши керак. Агар сўзнинг денотати ҳақида тўғри маъно ёки тасаввур бўлмаса, бундай нутқ аниқ бўлмайди. Худди шу ўринда тўғри нутқ ва аниқ нутқ ўзаро фарқланади. Тўғри нутқ бу “нутқ – тил” муносабати асосида қурилиб, асосан, лингвистик фактларга суянса аниқ нутқ “нутқ – борлиқ – воқелик” муносабати асосига қурилган бўлиб,

хақиқатни фаҳмлаш ва билишга қаратилган бўлади. Тафаккур қилиш, билиш нутқ шаклида рўёбга чиқади. Шу сабабли айтилаётган фикр тингловчилар томонидан қабул қилинса, тушунилса бундай нутқ аниқ бўлиб ўз мақсадига эришган бўлади. Шунинг учун сўзловчи нима ёки ким хақида гапираётганлигини ҳар томонлама чуқур тушунган бўлиши керак. Акс ҳолда нутқ аниқ бўлмайди. Фикр тингловчига тўлиқ бориб етмайди.

Фикрий ноаниқликлар қуйидаги ҳолларда учрайди.

1. Сўз маъносига етарли эътибор бермаслик натижасида. Масалан: Эллигинчи йилларга келиб турмуш ҳам, халқ маорифи ҳам ўз измига тушиб кетди. Бу матнда измига сўзи ўрнида изига сўзини қўллаш керак эди.

2. Паронимлар маъносини билмаслик натижасида: У синглисини жудо севар эди. Жудо эмас жуда. “Сутхўрнинг ўлими” асарини ўқиди эмас, “Судхўрнинг ўлими” асарини ўқиди каби.

3. Мантиқий жиҳатдан воқеликка зид бўлган тушунча ифодаловчи сўзларни ёнма-ён ишлатиш натижасида. Пудратчи йил бўйи ғўзасига ишлов берди. ғўзага йил бўйи ишлов берилмайди.

4. Нутқда бирор сўзни ўз ўрнига қўйиб гап тузолмаслик ҳамда сўз тартибининг бузиб ишлатилиши ҳам жумланинг маъносига путур етказди. Масалан: Яқиндагина нашриётдан чиққан адибимизнинг янги асарлар тўплами кенг жамоатчиликка манзур бўлди. (Яқинда нашриётдан адиб чиққанми ёки китоб чиққанми?). Ариқ бўйидаги тут дарахтига боғланган раиснинг оти кишнади. (Тут дарахтига раис боғланганми ёки от?) Юқоридаги гапларда адибимизнинг, раиснинг сўзлари биринчи ўринга чиқарилса, нутқ тушунарли бўлар эди.

5. Сўзнинг ноўрин танланиши натижасида: Режиссёр бир қатор умидли сахна усталарни кашф этди. Сахна усталари кашф этилмайди. Балки танланади ёки тарбияланади.

6. Бир синонимик қаторни ташкил қилган сўзларнинг барчаси ҳам бошқа сўзлар билан синтагматик муносабат ташкил қилолмайди. Масалан, улуғ, буюк, катта синонимик қаторидан буюк сўзи тоғ сўзи билан улкан сўзи билан

синтагматик муносабатга киришмайди. Бундай сўзларни зўрма-зўраки бириктириш нутқни бузади: Тоғларнинг буюклиги кўринарди узоқдан (Мирмуҳсин “кадрдонлар”) Буюкликни (мавҳум маъноли отни) кўринади дейиш ноўриндир. Нутқий аниқлик вазифавий услублар доирасида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, кун, айём синонимик каторидан айём китобийдир: Улуғ айём, баҳор айёми каби. Бундай қўлланишларда кун сўзини ишлатиб бўлмаганидек, кечаги кун яхши ўтди, гапида кун сўзи ўрнида айём сўзини ишлатиб бўлмайди. Яна чоғиштиринг: устоз, устод сўз вариантларидан устод сўзи ўзининг тантанаворлиги билан нутқда ажралиб туради ва х.к.

Илмий услубдаги нутқнинг бош мезони терминларнинг аниқ бир маънога эга бўлишидир. Бу жиҳатдан қараганда, тилшунослик терминлари орасидаги ҳар хиллик салбий ҳодисадир: феъл даражалари – феъл нисбатлари; бош даража – аниқ даража; тақлид сўзлар – мимемалар каби.

Нутқда ихчамликка, аниқликка интилиш ҳаётий зарурат ҳисобланиб, у, одатда, оғзаки нутқда кўпроқ учрайди. Ёзма нутқда турли сарлавҳалар халқ мақоллари ихчам шаклда бўлади. Тобутдан чиққан товуш – Тобутдан товуш; Олтин водийдан эсган шабадалар – Олтин водийдан шабадалар; Дўстимдан келган хат – Дўстимдан хат; Онамга ёзилган хат – Онамга хат; Яхшидан от қолур, ёмондан дод қолур – Яхшидан от – ёмондан дод каби. Бундай қўлланишлар тилнинг ихчамликка интилиш қонуниятини ўзида акс эттиради, шу сабабли улар адабий нутқ эҳтиёжи ҳисобланади. Демак, нутқ ихчамлиги деганда, нутқда сўзларни кам миқдорда қўллаган ҳолда унинг мазмундорлигини кучайтириш тушунилади.

Кўпсўзлилиқ нутқнинг мазмунига, чиройли бўлишига халақит беради. Жумлаларни қисқа ва тўғри тузиш нутқ аниқлигини таъминлайди.

Нутқнинг аниқлиги унинг мантиқийлиги билан бевосита боғланган бўлиб, аниқ нутқ мантиқли нутқни юзага келтиради.

### Нутқнинг мантиқийлиги.

Ўзаро мантиқий боғлиқлик инсон фаолиятининг барча соҳалари қатори фикр алмашиш қуроли бўлган тил ва нутқ ҳодисаларига кўпроқ тааллуқлидир. Тилдаги лексик, фразеологик ва грамматик бирликлар ҳам ўзаро мантиқан боғлиқдир. Яхлит бир тизим (система)га бирлашиб, фикрлар ривожини изчил бўлган, лексик ва грамматик шакллар аниқ ҳамда мақсадга мувофиқ ишлатилган нутқ мантиқийдир.

Мантиқийлик, энг аввало, нутқнинг тафаккур билан алоқасига асосланади. Нотўғри тузилган нутқ ҳеч қачон мантиқий бўлмайди. Мантиқий нутқ нафақат сўзларнинг маъносига асосланади, балки уларнинг синтагматик боғланиши билан ҳам юзага келади.

Мантиқий нутқ тушунчаси кенг қамровлидир. У гап, абзац, бутун бир асарга тааллуқли бўлиши мумкин. Нутқда мантиқийликка эришиш учун матндаги фикрлар бир-бирига қарама-қарши бўлмаслиги лозим. Нутқ бошида айтилган фикр унинг охирида яқунлангандагина мантиқий нутқ ҳосил бўлади.

Юқорида қайд қилинганидек, мантиқийлик, энг аввало, сўзлар ифодалаган тушунчанинг денотатига мос келиши билан белгиланади. Денотатга, воқеликка мос келмаган нутқ мантиқсиз бўлади: Кўз ёшин сели-ла ўстирарди дон (Ғайратий). Гапдаги дон сўзи ўрнида экин сўзини ишлатиш лозим. Яна чоғиштиринг: Мен ана шу “қосиблар” орасидан тарбиячилик касбини танлаб олдим. (“Ўқитувчилар газетаси” 20.12.1986 ). Қосиб ва касб сўзлари турли денотатларни ифодалайди.

Нутқ мантиғининг бузилишига ибораларнинг тузилиши ва маъносига эътибор бермаслик ҳам сабаб бўлади: Қаландаров жаҳли чиқиб, Саидани кабинетига чақириб тузлади.

Нутқда айрим сўзларнинг туширилиб қолдирилиши унинг мантиғига салбий таъсир қилади: – Юр, жўражон, икковимиз бир портретга тушайлик. (Ў.Усмонов) Портретга тушиб бўлмайди. Портрет учун расмга тушиш

мумкин. Қиз онасини самолётдан кутиб олишга чиқади. У оқ кўйлақда бўлади. (Ким оқ кўйлақда бўлади? (Онасини ёки қизи).

Нутқий мантиқ талабига кўра гапдаги сўзлар орасида ҳам изчиллик бўлиши талаб қилинади. Бу изчилликнинг йўқолиши билан мантиқийлик бузилади: Яқинроқ келганимизда “Хуш келибсизлар!” деган ёзув узокдан кўзга ташланарди. (“Муштум” 07.10.87.)

Орфография (тўғри ёзув) ва орфоэпия (тўғри талаффуз) нутқ мантиқийлигини таъминлашга хизмат қилади. “Корректор дафтари” дан олинган қуйидаги мисолларда уларнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини яққол кўриш мумкин: Савол уйлантириб қўйди. От ўчириш командаси. Тариф ўқитувчиси. Бу ерда тутуруғ сотилади. Харидорга кулайлик (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) Нутқ маданиятининг юксалишида тиниш белгиларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Тиниш белгилари ёзма нутқни тўғри, ифодали, мантиқий баён қилишда, гап қисмларининг ўзаро мантиқий грамматик муносабатларини аниқ белгилашда муҳим омил ҳисобланади.

Пунктуация бир томондан ёзувчига ўз ёзма нутқини тўғри ва таъсирчан баён этиш имкониятини берса, иккинчи томондан, ўқувчига муайян матндаги фикрни ёзувчи баён етганидек, тушуна олиш имконини беради. Бошқача айтганда, улар ёзма матндаги мазмунни ойдинлаштиради. Масалан: У гапга уста, ота, чиройли гапирди. (Ота ундалма бўлиб, гап ўртасида келган ва икки томондан вергул билан ажратилган). Бунда сўзловчининг нутқи отага қаратилган. Мақсад айтилаётган фикрга отанинг диққатини жалб қилиш. У гапга уста, ота чиройли гапирди (ота сўзи иккинчи гапнинг эгаси; вергул эса содда гапларни ажратиш учун қўлланган). Бунда айтилаётган нутқ мазмуни тамоман ўзгарди. Яна чоғиштиринг: Пагонини юлиб, елкасидан отдим. Бу гап таркибидаги вергул олиб ташланса, унинг мазмуни ҳам ўзгаради.

Кўринадикки, ёзма нутқда тиниш белгиларининг тўғри ишлатилиши мантиқли нутқ тузишда орфография сингари аҳамиятлидир.

Воқелик ва фикрни тўғри, қийинчиликсиз англаш гапда сўз бирикмаларини тўғри қўллаш, содда, қўшма ва мураккаб жумлаларни аниқ тузиш орқали рўёбга чиқади.

Нутқда барча сўзлар ҳам ўзаро мантиқий муносабатга киришиб сўз бирикмаси ҳосил қила олмайди. Бундай сўзларни зўрма-зўраки боғлаб гап тузиш мантиқсизликка олиб келади: Саида хотин-қизларга бой-феодалларнинг муносабатини танқид қилди. (“Ўқитувчилар газетаси” 20.12.86) Бу гап Саида хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатни танқид қилди, дейилса, тўғри бўлар эди.

Айрим нутқий парчаларда “атрофга тикилди” бирикмаси кўп учрайди. Бу нутқ қурилиши хато. Чунки атрофга тикилиб бўлмайди, қараш мумкин. Тикилмоқ сўзида қатъий бир йўналиш бор, атроф эса кўп йўналишдир. Нутқда уюшиқ бўлақларни қаторлаштиришдан олдин шу бўлақ бошқа бўлақлар билан мантиқан боғлана олишини ўйлаб кўришга ҳам тўғри келади: Адиб катта бадий асарлар, шеърлар ёзди, гапида шеърлар сўзи ўринсиз қўлланган. Чунки шеърлар бадий асарнинг бир туридир.

Фикран бир-бирини тақозо этмайдиган сўзлар ўзаро қатор қўйилиб уюшиқ бўлақли гаплар ҳосил қилиш нутқ мантиғини бузади. Масалан: Янги қурилаётган корхоналар, бинолар, уй-жойлар, кўчалар ҳам кўкаламзор боққа айлантирилмоқда. (И.Раҳим) Бу гапда бинолар ва уй-жойлар сўзларини бир қаторга қўйиш керак эмас.

Мантиқли нутқ тузишнинг асосий шартларидан бири гапда сўзлар тартибига эътибор беришдир. Ўзбек адабий тилида гап қурилишининг синтактик меъёри эга-тўлдирувчи-ҳол-кесим шаклидадир. Нутқда бу гап бўлақларининг ўрнини бирор бир сабабсиз ўзгартиб қўллаш фикр мазмуни тўғри англашга халақит беради. қуйидаги мисолларга диққат қилинг: Астойдил жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат қилдилар. Техника – чинакам деҳқоннинг дўсти. Айрим ҳолларда гапда сўзлар тартибини ўзгартириш маънони тамоман бузади: Доктор касал кутди – Касал доктор кутди. Ишлаётган чакқон қиз – Чакқон ишлаётган қиз каби.

Нутқда кўшма гаплар таркибидаги айрим содда гапларнинг ўрнини ўзгартириб қўллаш мантиксизликни юзага келтиради: Музлар эриб, ҳаво исиди. Бу гап мантиқан нотўғри. Чунки аввал ҳаво исийди, сўнг муз эрийди. Бундай нуқсонларни кўшма гапларнинг таркибидаги содда гаплар ўртасидаги мантиқий алоқа узилган ҳолларида ҳам учратиш мумкин: Илғор теримчилар ҳар куни 150-160 килограмга етказиб тераётганлари ҳолда, ширкат хўжалигида ҳозир ҳам бутун куч теримга сафарбар қилинган эмас. Бу гапда мантиқий изчиллик йўқ.

Нутқий матннинг юзага келишида ёзма матндаги абзацлар муҳим рол ўйнайди. Абзац матнда тугал маъно мазмунни ифодалаб, бир хат бошидан иккинчи хат бошигача бўлган оралиқдаги мантиқий нутқ бирлигидир. Ҳар бир янги абзац китобхон диққатини янги фикрга, янги тасвирга жалб қилиш вазифасини бажаради. Матнни тегишли абзацларга ажрата билмаслик нутқнинг мантиқли бўлишини сусайтиради. Фикрни тегишли абзацларга бўлиб бериш айниқса илмий услубдаги нутқ учун муҳимдир. Мантиқийлик турли вазифавий услубларда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Жумладан, илмий услубдаги нутқ яхлит бир тузилишни, бутунликни ташкил қилади. Бунда исбот қилиниши лозим бўлган нарса ёки ҳодиса кириш, яъни масаланинг қўйилиши, асосий қисм, яъни исбот ҳамда хулосадан иборат бўлиб, бир мантиқий фикр бутунлиги асосида юзага келади.

Бадий услубдаги нутқ мантиқийлиги биров бошқача характерга эга. Бадий асарларда ҳар бир воқеа ёки ҳодиса тасвири алоҳида мантиқий боғланишларга эга бўлади. Шунга қарамай, асар охирида бир неча мантиқий бутунликлар бирлашиб бир мураккаб мантиқий тушунчани ҳосил қилади.

Бадий адабиётда сифат ўзгаришининг юз бериши, энг аввало, тилда ихчамлик, мантиқийлик, равонликка эришиш билан ўлчанади. Буюк сўз санъаткорлари ҳар доим ўз асарлари сифатини яхшилаш учун унинг тили устида қайта-қайта ишлаганлар. Чунки топиб айтилган биргина сўз тасвирини ёрқинлаштириб, унга жон киритади. Бу ҳақда А. Қодирий шундай ёзади: “Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак...



фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги лозим”. Ёзувчи ўзининг бу фикрига умр бўйи қатъий амал қилган. Масалан, “Ўтган кунлар” романининг биринчи нашрида Отабек “Оғир табиатлик, улуғ гавдалик, кўркам оқ юзлик, келишган қора кўзлик, ўсиқ қора қошлик ва эндигина мурти чиқа бошлаган бир йигит эди”, - деб таърифланади. Иккинчи нашрида эса муаллиф бош қаҳрамон қиёфасини озгина бўлса ҳам, “бузиб турувчи” сўзларни чиқариб ташлайди. Дарҳақиқат, “келишган кўзга” ўсиқ қора қошини қўйиш мантиқан тўғри бўлмайди, чунки бу иборанинг замирида қандайдир бир салбий маъно ҳам ётади. Шунинг учун ҳам “келишган қора кўзга мутаносиб қора қош”ни танлайди. “Кўркам оқ юзли” бирикмаси, “кўркам ва оқ” боғланмаси билан алмаштирилади. Агар биринчи нашрда “кўркам” сўзи “оқ”қа нисбатан қўлланиб, маъноси заифлашиб қолгандай туюлса, кейинги нашрда “ва” боғловчисини қўллаш билан ҳар иккала сўз юзга нисбат берилиб, қаҳрамон ташқи қиёфасининг яна бир қиррасини очади. Шунингдек, “Мурти чиқа бошлаган” бирикмаси ўрнида “эндигина мурти сабз урган” бирикмасини қўллаб образ қиёфасига кўтаринкилик бахш этади.

Бундай мисолларни А.Қаҳҳор, Ойбек, С.Аҳмад ва бошқа ёзувчилар асарларида ҳам кўриш мумкин. Бадиий адабиётда, умуман, исталган бир нутқда мантиқсизлик оқибатларини ёзувчи А. Қаҳҳор “Адабиёт муаллими” ҳикоясидаги бош қаҳрамон Боқижон Бақоевнинг нутқи орқали қаттиқ танқид остига олган эди: “Чеховми? Ҳимм... Буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда, энг аввало, унинг объектига диққат қилиш керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни... Ҳимм. Мукаррам, товукқа мояк қўйдингми? қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товукдан ахмоқ жонивор йўқ - мояк қўйсанг туғади! Нима учун мояк қўйсанг туғади? Хўроз нима учун сахарда қичқиради? Ажойиб психология! Биология ўқийсизларми?” Келтирилган парчадаги нутқий қарама-қаршилик мантиқсизликни пайдо

қилган. Бундай мантиқсиз нутқ “нафис адабиёт муаллими”нинг образини китобхон кўзи ўнгида яққол гавдалантирувчи услубий вазифа ҳам бажарган. Умуман олганда, мантиқан тўғри тузилган нутқ оммабоп ва таъсирчан, сермазмун ва ифодали бўлиши билан ажралиб туради.

### Нутқнинг тозалиги.

Нутқнинг тозалиги масаласи йирик сўз санъаткорлари, олимлар ва нотикларни узоқ даврлардан буён қизиқтириб келмоқда.

Тоза нутқ – бу тилнинг барча яруслари бўйича адабий тил меъёрларига мос ва хос ҳолда фикр ифодалашдир.

Маданий нутқнинг тозалиги фонетик-орфоэпик жиҳатдан сўз ва кўшимчаларнинг тўғри талаффузи билан белгиланади.

Лексик-грамматик томондан эса шевага хос сўз ва шаклларнинг ишлатилмаслиги, вульгаризм, жаргон, арго ва турли хил “бекорчи” сўзларнинг қўлланмаслиги билан характерланади.

Юқорида қайд қилинганидек, нутқнинг тозалигини тилнинг софлигини бузувчи номеъерий факторлардан бири сўз ва кўшимчаларнинг маҳаллийлаштириб талаффуз қилишдир. Масалан: Илтипот (илтифот), парзан (фарзанд), апанди (афанди), инсоп (инсоф), келоппан (келяпман), бордиз (бордингиз), кўшнийиз (кўшнингиз) каби. Айниқса талаффузда “х” ва “ҳ” товушларининг тўғри айтилмаслиги фикр маъносини тамоман ўзгартириб юборади. Шоир Ҳ.Олимжоннинг жизибадор:

Ва кўрдиким ажойиб бир ҳол,

Зайнаб турар қайғули ва лол.

Мисрадаги “ҳол” сўзи “хол” деб талаффуз қилса, Зайнабнинг аҳволи эмас, унинг юзидаги холи тўғрисида гап бораётган бўлиб чиқади ва маъно бузилади.

Ўзбек тили кўп шевадир. Ҳар бир шевага хос луғавий ва грамматик шакллар мавжуд бўлиб, улар адабий тил меъёри доирасига кирмайди. Фақат сўзлашув ва бадиий нутқ услубларида ишлатилади.

Шевавий сўз ва грамматик шакллар бадиий адабиётда тасвирий восита-маҳаллий колорит яратиш, қахрамонлар нутқини индивидуаллаш вазифасини бажаради. Шу билан бир қаторда адабий тилнинг шевалар ҳисобидан бойиб боришига таъсир кўрсатади. Аммо шевага хос унсурларни оммавий нутқларда, ўқув ва ўқитиш жараёнида, радио ва телевизор эшиттиришларида қўллаш ман этилади. Бунга асосий сабаб шева сўзларининг маъноси маълум территория вакилларигагина тушунарли бўлиб, оммафаҳм эмаслигидир. Чоғиштиринг: буви бир шевада она, бошқасида онасининг онаси маъносида.

Додлама, додлама дод саси галди,  
Қаршининг чўлидан ёр саси галди.  
Ўлкасидан ўлкая ел каби юрсам,  
Гунларнинг бирида ёр юзин гўрсам.

Юқоридаги парча “Қуллар” романинг бош қахрамони Раҳимдод - Некқадам нутқидан олинган бўлиб, унинг ўзбек тили ўғуз шеваси вакили эканлигини кўрсатиб турибди. Бу ўринда диалектизмлар ўзини оқлайди. Аммо кейинги даврларда эътиборсизлик, масъулиятсизлик, сохта гапиришга уриниш оқибатида айрим ёшларимиз нутқи ғайритабиийлашиб бормоқда. Масалан, Тошкентга ўқишга ёки ишга келган баъзи ёшларнинг Тошкент шевасида гапиришларига дуч келамиз:

- Тошкентда ўқийсизми? - сўраймиз пойтахтлик эмаслиги шундоққина билиниб турган йигитчадан.

- Ҳа, ўқивопман, - дейди йигитча гап бергиси келмай.

- Нечанчи курсда?

- Биринчи курсда-де!..

Шўрлик йигит қанчалик чиранмасин, гаплари сохта, нотабиий чиқаверади, деб тўғри қайд қилади, тадқиқотчи олим Сиддиқ Мўмин “Сўзлашиш санъати” китобида. Нутқ тозалигига путур етказувчи луғавий бирликлардан бири жаргон ва арголардир. Жаргон ва арголар тилдаги сўзларнинг товуш томонини ўзгартириш, бузиб қўллаш, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ва тилдаги мавжуд сўзларга махсус маъно бериш йўли билан

ҳосил қилинади. Бундай сўзлар руҳонийлар, савдогарлар, ўғри ва фирибгарлар нутқига хос бўлиб, махфийлиги билан характерланади. Бадиий адабиётда бу типларнинг образини яратишда айрим жаргон ва арголардан фойдаланилади. Жаргон ва арголар тилни булғайди. Маданий нутқнинг тозаллиги ва софлигига путур етказилади.

Кейинги пайтларда ёшлар ҳамда айрим ёшлар нутқида учраётган “дум”, “ҳачча”, “международный”, “локомотив”, “ништяк” каби маъноси фақат уларнинг ўзларигагина тушунарли сўзларни ижобий баҳолаб бўлмайди. Нутқ тозаллигига салбий таъсир кўрсатадиган тил бирликларидан бири вульгаризмлар ҳисобланади. Вульгаризмлардан бадиий адабиётда айрим қаҳрамонларнинг дағаллигини, маданиясизлигини кўрсатиш учун фойдаланилади. Аммо бундай сўзлар маданий кишилар нутқида ишлатилмайди. Нутқий тозалликка риоя қилмаслик унинг таъсир кучини пасайтиради:

- Ҳозирги ёшларнинг бети йўқ, - деди ўрта ёшлардаги бир киши автобусда ўтириб кетаётган ўсмирга ишора қилиб.

- Тоғанга жой берсанг, ўласанми? Ҳолбуки, шу гап “Ука, тоғангизга жой берсангиз яхши бўлар эди” шаклида, илтимос оҳангида айтилса, унинг таъсир кучи ниҳоятда ортар эди.

Нутқда ҳали она тилимизга сингиб кетмаган чет тиллардан ўринсиз олиб ишлатиладиган ажнабий (варваризм) сўз ва иборалар ҳам маданий нутқ тозаллигини бузади. Варваризмлардан, одатда, ўзга ерга хос расм-одатларни тасвирлашда, баъзан чет эл маданияти олдида сажда қилувчи персонажларнинг нутқини индивидуаллашда фойдаланиш мумкин. Аммо айрим нотиклар ўз нутқларига эътибор бермай, пала-партишлик билан ҳали тилимизга кириб, ўзлашмаган “заявления ёзди”, “бошлиқ зайнит”, “организоват қил”, “документ топширди”, “экзамен сессияси бошланди” каби қолипларда гапиравердилар. Бу ҳол тилимизнинг ҳозирги тараққиётига салбий таъсир қилиб, уни бузади. Халқ ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларига тўсиқ бўлади. Ҳ. Аҳмедова “Буви” хикоясида айрим

варваризм (ажнабий) сўзларнинг ноўрин ва номақбул шаклда ишлатилаётганлигини қаттиқ танқид қилади: “Кексайгандан кейин одам аразчи, инжиқ бўлиб қолар экан. Болалари дастурхон устидан оминсиз туриб кетишса, кампирнинг аччиғи чиқади ва оғир “уф” тортади. Бу уйда ҳеч кимнинг исми тўлиқ айтилмайди. Санта, Ражда, Маман, Кампиршо, Бааба, Бабул каби номлар билан чақирিশаверади. Лекин ҳар гал набиралари “Бааба” деб чақирганда, беихтиёр лаблари титраб, аччиқланаверади.

- Эна дегил, уйингга буғдой тўлгур ёки ача де, катта ойи де, бабанг нимаси, нима, мен сенга кучукманми?... Худо кўрсатмасин, вақти келиб, омонатимни топширгудай бўлсам, буларнинг биттаси “вой мамул”, биттаси “вой бабул”, деб овоз чиқаришармикан?”

Айрим нотиклар нутқида расмий сийқа (шаблон) сўз ва ибораларнинг ноўрин ишлатилиши (маълумки, керак бўлса, биз биламизки); шунингдек, “бекорчи” (паразит) сўзлар деб аталувчи (яъни, масалан, хўш, так каби) луғавий бирликларни меъёридан ортиқ қўллаш нутқнинг нотабий ва ишончсиз чиқишига олиб келади. Хуллас, нутқнинг тозалиги учун кураш адабий тил маданияти учун курашдир. Нутқнинг тозалигини асраш, софлигини авайлаш, тилимиз бойлигини кўз-кўз қилиш даври мустақиллик берган неъматлардан бири эканлигини доимо эсда сақлаш лозим.

### **Нутқнинг таъсирчанлиги.**

Тил фикр англатиш қуроли бўлиш билан бирга мукамал ҳиссий таъсир қилиш воситаси ҳамдир. Тилнинг бу хусусиятидан инсон ўз фикрини ўткир ва таъсирчан қилиб ифодалаш, шу билан бир қаторда бир-бирини лаззатлантириш, шавқатлантириш мақсадада ҳам фойдаланади.

Тингловчи ва ўқувчи эътибори ҳамда қизиқишини қозонадиган хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан нутқдир. Таъсирчан нутқнинг юзага келишида юқоридаги бўлимларда санаб ўтилган нутқнинг алоқавий сифатлари – аниқлик, тўғрилиқ, мантиқийлик, тозалик кабилар муҳим аҳамиятга эга. Яъни нутқ тўғри бўлса, у таъсирчан бўлади, нутқ мантиқий бўлса - таъсирчан бўлади ва ҳоказо.

Нутқнинг бошқа алоқавий сифатлари сингари таъсирчанлик ҳам адабий тилнинг барча ярусларига суянади. Бу жиҳатдан қараганда, тилнинг фонетик-орфоэпик бўғини ўзига хос аҳамиятга эга.

Фонетик-орфоэпик жиҳатдан нутқ таъсирчанлигини ошириш турли йўллар билан амалга оширилади. Жумладан, оғзаки нутқда сўздаги унли товушларни чўзиш орқали шодланиш, таажжуб, изтироб, ўкиниш, ғазабланиш, кесатиш каби қатор ҳиссий бўёқ ифодаланади.

Нутқий таъсирчанлик урғу ҳамда сўзларни бўғинларга бўлиб талаффуз қилиш билан ҳам рўёбга чиқади: бор-май-ман, ўқи-май-ди кабиларда қатъий инкор ифодаланмоқда.

Оғзаки нутқ талаффузидаги оҳанг, тез-секинлик, қаттиқ ёки юмшоқлик ҳолатларини тўлиқ ифодалаш учун ёзма матнлардаги айрим сўзлар орфографик қоидаларга зид равишда турли график белги ва шаклларда ҳатто бўёқларда ёзилаверади. Бу ёзма нутқда фонографик усул билан таъсирчанлик ифодалашдир. Нутқ таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида Мнотиклар ва сўз санъаткорлари ўз нутқларини кўтаринки тантанали услубда баён қиладилар. Бундай нутқлар, одатда, муҳим қарорлар, ахборотлар, фармойишлар ўқилганда ишлатилади. Тантанали нутқларда текис ритм, урғуларни тўғри қўйиш, интонацион кўтаринкилик, ўрни билан паузага эътибор берилади.

Нутқнинг гўзал ва шинамлиги, таъсирчанлиги унинг турли маъно нозикликларига эга бўлган сўз ва ибораларга бойлиги билан белгиланади. Чунки бу тил бирликлари нутқда бирор тушунча ифодалашдан ташқари жўшқин ҳис-туйғуларни, ички кечинмаларни ҳам ифодалайдилар.

Сўз ва грамматик шакллардаги бўёқ турли кўринишларда намоён бўлади. Айрим сўзларнинг семантик таркибида ҳис-ҳаяжон, воқеаларга муносабат ифодаланиб турса, баъзи сўзларга турли хил эркаланиш, севиш ва кичрайтириш шаклларини қўшиш орқали таъсирчанлик ҳосил қилинади. Чоғиштиринг: Салом, раҳмат, яша; мотам, сатанг; она+жон, бола+гина, Лола+хон каби. Бу ҳолат тингловчи ёки ўқувчи диққатини айтилаётган

фикрга жалб қилиб, унинг ҳиссиётига таъсир қилади. Нутқий таъсирчанликнинг юзага келишида кўчма ва кўп маъноли сўзлар муҳим аҳамиятга эга. Улар нотикқа кинояли нутқ, сўз ўйинлари, ўхшатишлар ҳосил қилишда қўл келади: Ёнгинамда куёв. Нега куёв дейишаркин? Охирги бўғини нега “в”... Мен ўз тўйимда зўрға ўтирибман. Лекин у йўқ. Ўрнида-ку-ёв ўтирибди. (“Ёшлик”) Оҳ маликам, - деди Мирзо, - Сиз зотсиз порлоқ, Сиз хилолсиз, йўқ қуёшсиз, у-чи сўниқ шам. (А.Орипов)

Нутқ таъсирчанлигини оширувчи лексик воситалардан яна бири синонимлардир. Синонимик сўз ва иборалар сўзловчи муҳим ҳисоблаган урғу бераётган фикрга тингловчининг диққатини янада кўпроқ жалб этишга ёрдамлашади. Чунки бир синонимик қатордаги сўзлар ўзининг белги даражаси ва ҳиссий бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Нутқ жараёнида бирор воқеа-ҳодисани аниқ изоҳлашда кўпинча бир синоним сўзнинг ўзи ожизлик қилиб қолади. Бундай ҳолларда уларни жуфт ёки ёнма-ён қўллаб, маъно кучайтирилади: Ота-оналаридан ажратилган ёш болаларнинг оху зорлари, фарёду фиғонлари, кўкка чиқмоқда (С.А.) Кеча жимжит, шамолсиз, сассиз-садосиз эди. (“Ёшлик”).

Тилимизда мавжуд бўлган синонимлардан мақсадга мувофиғини, ҳиссий жозибадорини саралаб ишлатиш нутқнинг вазифавий услубларига кўра ҳам фарқланади. Чоғиштиринг: Гапирмоқ, демоқ, айтмоқ, сўзламоқ синонимик қаторидаги барча сўзлар умумистеъмол характерида бўлиб, барча нутқ услубларида учрайди. Аммо шу синонимик қатордан ўрин олувчи валжирамоқ, вақилламоқ, аккилламоқ каби сўзлар сўзлашув нутқиға; сайрамоқ сўзи эса бадий услубга хослиги билан ажралиб туради. Буларнинг ҳар бири ўз ўрнида қўлланилгандагина уларнинг таъсирчанлиги яққол сезилади.

Бадий услубдаги нутқ ўзининг ифодалилиги, турли тасвирий воситаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бунинг ёрқин бир намунасини Э.Воҳидовнинг “Аён бўлғай” шеърдан олинган қуйидаги парчада яққол кўриш мумкин.

Агар ёринг хиром этса,  
Саболардан аён бўлгай.  
Такаллуми чаман берган,  
Садолардан аён бўлгай.  
Агар ёринг қуёш бўлса,  
Анга асло боқиб бўлмас,  
Камолингми аҳволинг ё  
Самолардан аён бўлгай.  
Агар ёринг ҳусн шоҳи  
Ўтар бўлса шаҳарлардан,  
Гузарларда қолиб кетган  
Гадолардан аён бўлгай...

Тилда “Юмшоқ синонимлар” деб юритилувчи эвфемизмлар нутқни таъсирчан ва ёқимли қилади. Нутқ жараёнида ахлоқ-одоб ҳамда ҳиссий талаблар таъсирида айтилиши ножоиз, ноқулай бўлган сўзларни юмшоқ ва мулойим ифодаси бўлган иккиламчи номлар, яъни эвфемизмлар тилда алоҳида бир тизимни ташкил қилади. Масалан, ҳомила, ҳомиладорлик, туғиш билан боғлиқ бўлган: гумона, юкли, оғир юкли, оғир бўй, оғир оёқ, икки қат, ой-куни яқин, қутулмоқ, кўзи ёримоқ каби қатор эвфемизмлар халқимизнинг миллий руҳи, одоби, назокатини акс эттирган тил бирликларидир.

Эвфемизмлар орқали, асосан, инсон руҳияти, ўзаро муносабати, бири-бирига бўлган эъзози, ҳурмати, такаллуфи акс этади. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланишда эҳтиёткорлик талаб этилади. Юқорида айтилган ҳомиладорлик ва туғиш ҳодисалари билан боғлиқ бўлган айрим эвфемизмларни ҳайвонларга ёки бошқа жониворларга нисбатан қўллаш нутқни ғалати қилиб, уни бачканалаштиради. Масалан, Совлиқларнинг оёғи оғир, яйловга эринибгина ёйилдилар. Бироқ чўпонлар кўзи ёриши арафасида турган совлиқларнинг феъл-атвориға тушуниб қолишган (“Ишонч”) Парчадаги эвфемизмлар инсонга хослангани ҳолда ҳайвонга нисбатан нотўғри қўлланган. Натижада ҳиссий бўёқдорлик йўқолиб, жўн тасвирга



айланиб қолган ҳомиладорлик маъносини акс эттирган эвфемизмлардан фойдаланиш А.Қодирий ижодида юқори маромга етказилгани учун китобхон онгида ўчмас из қолдиради: “Сизни ва отамни жуда соғиндим, агарда оғир оёқ бўлмасам эди, қиш бўлишига қарамасдан Марғилонга жўнар эдим. Қудангиз, қайинонамнинг сўзига қараганда, келаси ойга кўзим ёрир эмиш”.

Нутқ таъсирчанлигини оширишда мақол ва афоризмларнинг роли ниҳояда катта. Чунки уларда тийран фикр, ёрқин зехн, нарса ёки воқеаларнинг энг муҳим хусусиятлари акс эттирилган бўлади. Шу сабабли, моҳир нотиклар ўз нутқларини янада ишончли ва таъсирчан қилиш учун доимо халқ мақолларига мурожаат қиладилар. “Сўз кўрки – мақол”, “Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи”, “Яхши топиб гапирар, ёмон қошиб гапирар” каби қатор мақолларнинг маъноси бевосита яхши, роҳатбахш ва таъсирчан нутқ сўзлашга алоқадордир.

Ҳар қандай нутқ синтактик жиҳатдан тўғри тузилган бўлса, у таъсирчан бўлади. Ўзбек тили синтаксисидида жозибали нутқни юзага келтирувчи имкониятлардан бири инверсиядир. Инверсиядан меъёрида фойдаланиш нутқ таъсирчанлигини оширади. Чоғиштиринг: қўлингни елкамдан торт (сўраш, илтимос), торт қўлингни елкамдан (қатъий талаб, буйруқ) Аммо инверсия қоидаларига эътибор қилмай, уни бузиб ёки меъёридан ортиқча қўллаш нутқ савиясини пасайтиради: Бир дафтар кўрсатишди менга Фарғона водийсида юрганымда бир кун уни вароқладим-у, қайтиб ололмадим бошимни ундан, ўқиб тугатмагунимча. Муҳаббат уйига ўхшарди, бу дафтар чиқиб кетгиси келмасди кишининг. (Т.Тўла. “Нафосат”)

Нотик ўз нутқини ихчам ва таъсирчан қилиб ифодалашда турли хил синтактик услубий фигуралардан фойдаланиши мумкин. Булар орасида сифатлаш, (эпитет), ўхшатиш, муболаға, жонлантириш, такрорлаш, антитеза кабилар нутқни безайди, айтилган фикрни хотирада узоқ сақланиб қолишига кўмаклашади.

Таъсирчан нутқ тузишда сўз ва грамматик шакллариининг такрори салбий ходиса ҳисобланади. Аммо услубий нуқтаи назардан баъзи гаплар

таркибидаги бир ўзакли сўзларнинг такрор ишлатилиши ўзини оқлайди. Уларни қўллаш маънони кучайтиради: Барнолар барноси, илғорлар илғори, чеварлар чевари каби. Бундай такрорларнинг айримлари фразеологик бирликларга ҳам айланиб қолган: Айтгани айтган, дегани деган. қатъий фикрли демак. Одатда такрорлар айтилаётган фикрни ойдинлаштиради, турмуш воқеаларини янада аниқроқ тасвирлаш имкониятини беради. Лекин айни бир сўзни кўр-кўрона такрорлаш фикрни хиралаштиради: *Талабалар йиғилишига йиғилди; Ўқитувчи ўқувчиларга топшириқ топширди* каби.

Сўзки такрор ўлди, дилкаш эмас, деб улуғ бобомиз А.Навоий бежиз айтмаган эди. Оғзаки нутқнинг мазмуни, балки унинг жарангдорлиги, ҳиссий таъсирчанлигини ёзма нутқда тиниш белгилари ҳам ифодалаб келади. Тиниш белгилари ҳар қандай ёзма нутқнинг нотаси бўлиб, ўқувчи ва ёзувчиларнинг диққат марказида бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, тилнинг фонетик, лексик, фразеологик ва грамматик қонуниятларини пухта ўрганиш, энг аввало, улардаги ҳиссий таъсирчанлик унсурларини пайқаш ва алоқа жараёнига тадбиқ этиш орқали таъсирчан ҳосил қилинади. Шунингдек, таъсирчан нутқ умумадабий меъёрлар ва коммуникатив-услубий меъёрларнинг уйғунлиги асосида ҳам юзага келади.

#### Назорат саволлари:

1. Нутққа қандай талаблар қўйилган?
2. Нутқнинг тўғрилиги нима?
3. Нутқнинг аниқлиги нималарга боғлиқ?
4. Нутқнинг мантиқийлиги деганда нима тушунилади?
5. Нутқнинг тозаллиги учун нималар қилиниши лозим?

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш сари. Т., 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажиги сари. Т., 1998.
3. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000.
4. Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. Т., 1981.
5. Ахмедов А. Нотиқлик санъати. Т., 1967.
6. Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. Т., 1980.
7. Бегматов Э., Бобоев А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. Т., 1983.
8. Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва стилистика асослари. Программа Т., 1987.
9. Иномхўжаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги. Т., 1972.
10. Сиддиқ Мўмин. Сўзлашиш санъати. Фарғона, 1997.
11. Тожиев Ё., Ҳасанов Н., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. Т., 1994.
12. Умурқулов Б. Сўз танлаш санъати. Т., 1985.
13. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Т., 1982.
14. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нотиқлик маданияти. Т., 1992.
15. Қиличев Э.Р., Қиличев Б.Э. Нотиқлик маданияти. Ўқув қўлланма. Бухоро, 2005.

### 3-мавзу: Педагогнинг нутқи ва нутқ услублари

Режа:

1. Педагог нутқида услубларининг ўрни.
2. Нутқ услублари тавсифи.
3. Нутқнинг оғзаки услуби.
4. Нутқнинг ёзма услуби.

**Таянч иборалар:** педагог нутқи, нутқ услуби, нутқнинг вазифавий услуби, нейтрал услуб, сўзлашув услуби, бадиий услуб, илмий услуб, расмий услуб, оммавий услуб.

Сўзловчи ёки ёзувчи ўз олдига қўйган мақсади ва вазифаси, воқелик ҳамда нутқ шароитига қараб тил воситаларини танлаб ишлатади. Жумладан, маълум бир соҳа мутахассиси бўлган олим ўз илмий нутқида шу соҳага хос терминларни танлаб қўлласа, шоир ёки ёзувчи бадиий эстетик маъноли сўзларни топиб ишлатишга ҳаракат қилади, яъни бир воқелик мазмуни турлича шаклларда ифода қилинади. Чоғиштиринг: қуёш Шарқдан чиқиб, ғарбга ботади (илмий услуб). Қуёш Шарқ ёқасидан зар кокилини тараб, ғарб уфқига бош қўяди (бадиий услуб).

Услублар тилнинг асосий вазифаларига (фикр билдириш, экспрессивлик кабиларга мос равишда) қараб бир қанча турларга бўлинади. Шунга кўра, улар вазифавий услублар дейилади. Бошқача қилиб айтганда, нутқ услуби тил ифода воситаларининг мақсадга мувофиқ уюшган системасидир.

Вазифавий услублар тарихан шаклланган адабий тилнинг турли кўринишлари бўлиниб, улар фикрни ифода этиш жараёнида нутқ тузилишининг ўзига хослиги билан фарқланади. Худди шунингдек, сўз, термин ва фразеологик иборалардан фойдаланишда ҳар бир услуб ўзига хос хусусиятларига эга бўлади. Ҳатто умумистеъмолдаги сўзлар ҳам турли нутқ услубларида турлича маънода келади.

Нутқнинг вазилавий услублари услубиятнинг катта бир тармоғи ҳисобланади. Нутқнинг вазилавий услублари турли олимлар томонидан ҳар хил тасниф қилинган. Нейтрал услубга оппозитив ҳолатда нутқ услубларининг асосий беш кўриниши мавжуд: илмий услуб, расмий-иш услуби, публицистик услуб, сўзлашув услуби, бадиий услуб. Бу услубларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгадир.

### **Илмий услуб.**

Илмий услубдаги нутқ фикрнинг аниқ, мантиқли бўлишини талаб қилади. Шунинг учун мантиқий фикрлаш, абстракция, анализ ва синтез илмий услубнинг характерли хусусиятидир. Илмий услуб адабий тил меъёрларини тўла сақлаган далилий материалларга бой, аниқ ва сиқик ахборотли нутқ кўринишидир.

Фан-техника, маданият ва санъат соҳасида ёзиладиган монография, дарслик, илмий - техник хабарлар, турли тўплам ва журналлардаги илмий мақолалар илмий услубда ёзилади. Илмий услубда ҳар бир фаннинг ўзига хос илмий терминлари ва формулаларидан фойдаланилади. Масалан: Морфемика – сўзнинг маъноли қисмлари ҳақидаги таълимот – сўзнинг маъноли қисмлари морфемалар дейлади. Морфемалар икки турга бўлинади:

- 1) ўзак морфема;
- 2) аффиксал морфема. (“Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслик).

Илмий услубда ёзилган асарлар, одатда, илм-фанга оид маълумотлар бериш билан мутахассисларга мўлжалланган бўлади.

Илмий услубдаги нутқ монологик характердаги ихчам нутқ бўлиб, унда кўчма маъноли сўзлар, мажоз, ҳазил, эркалаш, эмоционал-экспрессив сўзлар, фразеологик иборалар деярли учрамайди. Морфологик жиҳатдан бу услубда қаратқич келишиги белгисиз ҳолатда кўп ишлатилади (нутқ стили, тил бирлиги, тил олди, ундошлар таснифи). Сонлар ҳарфий шаклда эмас, кўпроқ рақамлар шаклида берилади. Биринчи шахс бирлик олмоши (мен) кўпинча кўплик (биз) шаклида ишлатилади. Аниқ ва мажхул даражали феъллар нисбатан кўпроқ учрайди.

Синтактик жиҳатдан илмий услубда мураккаб синтактик бирликлар кенгайган оборотлар ва эргаштирувчи боғловчили кўшма гаплар учрайди. Тингловчининг диққатини тортиш мақсадида дарак гаплар билан бир қаторда сўроқ шаклли гаплар ҳам ишлатилади. Айтилаётган фикрни мантикий жиҳатдан боғлаш учун боғловчилар, боғловчи вазифасидаги сўзлар, кириш ва киритма сўзлар (гаплар)алоҳида рол ўйнайди.

Бир составли гаплар деярли ишлатилмайди. Феъл кесимлар қотган шаклида бўлади (дейилади, деб аталади, ҳосил бўлади). Гап бўлаклари одатдаги тартибда бўлади, инверсияга учрамайди.

### **Расмий - иш услуби.**

Бу услубдаги нутқ бошқа услубларга қараганда сиқик ва чегаралангандир. Бу услубда сўз ва иборалар аниқ, қатъий бир қолибда ишлатилади. Масалан 4-модда Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир (“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”).

Расмий-иш услубида юридик ҳужжатлар, қонунлар, буйруқ ва қарорлар ёзилади. Расмий ҳужжатларда нутқ воситаларининг стандартлиги ва бир хиллиги турличадир. Жумладан, юридик ҳужжат сифатида паспорт, турли бланкалар бир қолибда бир хил шаклда (стереотип) бўлса, ҳисобот, қарор ва буйруқларнинг қатъий бир қолибда – стандарт бўлиши шарт эмас.

Расмий-иш услубидаги нутқнинг ҳам ўзига хос лексик ва фразеологик бирликлари (одам ўрнида шахс, берилади ўрнида тақдим этилади, иш ўрнида бурч) мавжуд. Махсус терминлар, нутқий штамплар, тайёр формулалар ҳам расмий-иш услубининг элементларидир (мақсадида, ҳисобидан, шунга кўра, биз қуйида имзо чекувчилар).

Морфологик жиҳатдан расмий-иш услубидаги нутқ қисқартма кўшма сўзларнинг (мединиститут, БухДУ), қаратқич келишигидаги отлар, олмошлар, буйруқ майли ва мажхул даражали феълларнинг кўп қўлланилиши билан характерланади. Синтактик жиҳатдан эса сифатдош ва равишдош оборотли бирликларни ҳамда эргаш гапли кўшма гапларни кенг қўламда

ишлатилиши билан ажралиб туради. Бу услуб кўшма кесимлар (кабул қилинсин, таклиф қилинди, ёрдам берилади) кўпроқ қўлланади.

Кириш сўзлар, одатда, гап бошида келади. Сўзлар одатдаги тартибда бўлади, инверсияга деярли учрамайди.

### **Публицистик услуб.**

Бу даврий матбуот, ижтимоий-сиёсий адабиёт, сиёсий нутқлар услубидир. Кундалик ҳаётнинг турли томонларини, долзарб масалаларни оммабоп тарзда тушунтириб берадиган мақолалар шу услубда ёзилади. Публицистик услубдаги нутқ ахборот бойлиги, аниқлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Публицистик нутқ мантикий асосли бўлиши билан бирга, жамоатчиликнинг фикри ва юрагига ҳиссий таъсирли ҳам бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам бундай нутқда тингловчи ва ўқувчига тўғридан тўғри муурожаат, риторик сўроқ, антитеза, синтактик параллелизм каби нутқ воситалари кўп ишлатилади.

Публицистик нутқнинг характериға кўра унда турли сиёсий терминлар, неологизмлар, профессиона-лизмлар, сўзлашув нутқи элементар (озодлик, тенглик, эркинлик, демократия, аванград, дўстлик, шараф, бақирмоқ, вайсамоқ) учрайди.

Қаратқич келишигидаги отлар, қиёсий даражали сифатлар, буйруқ-истак майлидаги феъллар, айирув, таъкид ва кучайтирув юкламаларининг кўпроқ ишлатилиши публицистик нутққа хос морфологик хусусият бўлса, синтактик конструкцияларнинг соддалиги, инверсияли гаплар, перефразлар ва ундалмаларнинг қўлланилиши унинг синтактик хусусиятидир.

Одатда, газеталарнинг бош мақолалари кўпинча публицистик характерда бўлади. Чунки уларда кундалик турмушдаги тарбиявий, иқтисодий ва сиёсий масалалар ёритиб борилади. Мисол: Ватанга – тинчлик, Лоқайдлик – иллат. Истиқлол йўли. Адолат – ишимиз мезони.

Умуман олганда, оммавийлик, сиёсийлик, алоҳида эмоционаллик, баҳолаш, фикр теранлиги публицистик нутққа хосдир.

### Сўзлашув услуби.

Сўзлашув услубидаги нутқ ҳам ҳамма учун умумий ва тил воситаларини сайлаб ишлатишда эркиндир. Бу услуб нутқи ғайри расмийлиги, экспрессивлиги, баённинг эркинлиги ва асосан, диалогик характердалиги билан изоҳланади. Сўзлашув услубда метофорик сўзлар, диалектизм, вульгаризм ва фразеологик иборалар кўпроқ қўлланади. Турли экстралингвистик факторлар (қўл, бош, бадан ҳаракатлари, мимикалар) сўзлашув нутқи услубга хосдир. Сўзлашув услубидан адабий асарда персонажларнинг нутқий тавсифини бериш мақсадида фойдаланилади: - Мен сизга инак соғишниям, - деди Райҳонбиби Олияга, - ўт ўришниям, полизга қандай ишлашниям ўргатаман. қишлоққа иш билмаган одам дар қолади. (О.Мухторов.)

Субъектив баҳо шакли отлар, сифатларнинг озайтирма ва кучайтирма шакллари (тойчоқ, келинчак, қизча, оққина, қизгиш) кўп ишлатилиши бу услубнинг морфологик хусусиятидир. Шунингдек, турли диалектал шакллари ишлатиш (-да ўрнида -га; -нинг ўрнида -ни, -лар ўрнида -ла) ёки аффикслари нутқий тежам қилиш (мактабда ўқийди ўрнида мактаб ўқийди) ҳам бу услубнинг характерли белгисидир.

Синтактик жиҳатдан сўзлашув нутқининг асосини тўлиқсиз гаплар (- Айтаман. -Кимга? - Отинг нима? - Ёдгор) ташкил қилади. Шунингдек, сўз-гаплар (-Ҳа. -Йўқ. -Наҳот.), эмоционал гаплар (Ҳа, баракалла! Яша, азамат! Вой, раҳмат!), риторик сўроқ гаплар ҳамда боғловчисиз қўшма гапларнинг кўп ишлатилиши ҳам сўзлашув услуби учун характерли хусусиятдир.

Сўз тартиби нисбатан эркин, сўзловчи учун муҳим саналган сўз гап бошида берилади. (Кеча қайтди даладан ўзи. Ёздим укамга хат.). Шунинг учун ҳам бу нутқда инверсия ҳодисаси мавжуд.



### Бадиий услуб.

Бадиий услубда, асосан, бадиий асарлар яратилади. Бадиий нутқ образли ва эмоционал-экспрессивдир. Бунда тилнинг алоқа вазифаси билан эстетик-эмоционал вазифаси қўшилиб кетади. Бадиий услубда юқорида қайд қилинган барча услубларга хос элементлар иштирок этади. Шу билан бир каторда, бадиий нутқда полисемантик сўзлар, кўчма маъноли сўзлар, синоним, омоним, антонимлар, эскирган ва янги сўзлар, жаргон ва вульгаризмлар, фразеологик иборалар ва халқ мақоллари кенг қўлланилади. Бунда сўз ва иборалар воситасида образ яратилади, жонли картиналар чизилади. (Чоғиштиринг: чеҳра, жамол, рухсор. ораз; лаб, дудок; табассум, ишва, ноз, оқ олтин, заркокил).

Отлардаги кўплик шакли (-лар)нинг турли семантик-услубий мақсадлар учун ишлатилиши, кичрайтиш-эркалаш шаклларининг кўп қўлланилиши, феъл замонларининг алмашлаб ишлатилиши бадиий услубнинг морфологик хусусиятидир.

Синтактик жиҳатдан бадиий услуб турли қурилишдаги гапларнинг бўлиши, кўчирма ва ўзлаштирма гапларнинг чегараланмаганлиги, синонимик гаплар, перефразаларнинг кўп учраши, сўзларнинг тўғри тартиби ва инверсиядан истаганча фойдаланиш мумкинлиги билан характерланади.

Илмий услубда эса сўзлар терминологик характерда бўлиб, фақат тушунча, тасаввур англаца, бадиий услубда сўзлар тушунча ифодалаш билан бирга, жонли образлар ҳам яратади: ўрик сўзининг илмий ва бадиий нутқда қўлланишини чоғиштиринг:

Ўрик – раъногулдошлар (атиргуллилар оиласи) га мансуб мевали дарахт. Дарахти 10-15 м.гача. Барги кенг, тухумсимон. Гули оқ ёки пушти, баргидан олдин очилади. Меваси этли, данагидан ажратиладиган ва ажратилмайдиган хиллари бор. Март-апрелда гуллайди, меваси май-июлда пишади.

Ўрик дарахти остидаги баланд супада ётган Муротали одатдагидек, тонг саҳарда уйғонди. Уйғонди-ю, кўзларини катта-катта очиб ўрик шохларига термилди. Ҳар бир новда ғунча гул билан тўла эди. Кекса деҳқон севимли

дарахтининг шохлари, новдалари, ғунча ва гулларига иштиёқ билан термулар экан, қалби севинч билан талпинарди. қудратли ўрикнинг узун шохлари ва новдалари кенг ҳовлини тўлдириб турибди. Муротали эндигина гулга кирган ўрикнинг чиройига мафтун бўлиб ётарди. Дарҳақиқат, ўрик бу йил мисли кўрилмаган даража сергул бўлади, катта кичик новдалар шиғил гулга кўмилиб, эндигина куртақдан чиққан нимжон япроқларни ҳам яширган эди. Ўрик дарахтининг қуюқ гули оппоқ булутларни эслатади.

Барча нутқ услублари ўзаро алоқадор: бир услубда бошқа нутқ услубларининг кўрсаткичлари ҳам учрайди. Шу билан бир қаторда ҳар бир услуб ўзига хос лексик, морфологик ва синтактик воситаларга эга. Ана шу воситаларни билиш, уларнинг ҳар биридан ўз ўрнида усталик билан фойдаланш лозим. Агар маълум бир нутқ услубига хос элементлар бошқа услубда асоссиз (услубий мақсадсиз) қўлланса, нутқ ғализ бўлади. ва тингловчини зериктиради.

#### **Назорат саволлари:**

1. Нутқ услуби нима?
2. Нутқнинг қандай вазифавий услублари мавжуд?
3. Оддий (сўзлашув) услуби қандай хусусиятларга эга?
4. Бадиий услубнинг белгилари нималарда намоён бўлади?
5. Илмий услубнинг ўзига хослиги нимада?
6. Расмий услуб қандай ўринларда қўлланади?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш сари. Т., 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажаги сари. Т., 1998.
3. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000.
4. Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. Т., 1981.
5. Ахмедов А. Нотиқлик санъати. Т., 1967.
6. Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. Т., 1980.

7. Бегматов Э., Бобоев А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. Т., 1983.
8. Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва стилистика асослари. Програма Т., 1987.
9. Иномхўжаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги. Т., 1972.
10. Сиддиқ Мўмин. Сўзлашиш санъати. Фарғона, 1997.
11. Тожиев Ё., Ҳасанов Н., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. Т., 1994.
12. Умурқулов Б. Сўз танлаш санъати. Т., 1985.
13. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Т., 1982.
14. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нотиқлик маданияти. Т., 1992.
15. Қиличев Э.Р., Қиличев Б.Э. Нотиқлик маданияти. Ўқув қўлланма. Бухоро, 2005.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Қайси гапда қарақич келишиги қўшимчасини чиқиш келишиги қўшимчаси билан алмаштириш мумкин?**

- A. Мақтанганнинг уйини кўр, керилганнинг тўйини.
- B. Меҳмонларнинг ёши улуғ гапирди.
- C. Институт кутубхонаси биринчи қаватда.
- D. Паловнинг масалиғи тайёрлаб қўйилди.

**2. Қуйидаги гапларнинг қайси бири услуб жихатидан нотўғри шаклланган?**

- A. Кўзинг оғриси қўлингни тий, тишинг оғриси, тилингни.
- B. Сотиболдининг хотини оғриб қолди.
- C. Спид касаллиги билан касалланганлар сони ортиб бормокда.
- D. Жароҳати оғирлигидан касал тинмай инграр эди.

**3. Қуйидаги гапларни қайси бирида бир сон ноаникликни ифодалаяпти?**

- A. Бирдан меҳмон келиб қолса бўладими.
- B. Энди сизлар учун бир жуфт қўшиқ эшиттирамыз.
- C. Эшоннинг бир тўда қора моллари, қўйлари бор эди.
- D. Мактаб ховлисида сизни бир киши чақирди.

**4. Қуйидаги гапда бир сўзнинг қайси маъноси ифодаланган? Иккаласининг феъли бир.**

- A. Микдор маъноси.
- B. Ноаниклик маъноси.
- C. Марта маъноси.
- D. Ўхшаш маъноси

**5. Қуйидаги ранг билдирган сўзлардан бадий услубга тегишлисини белгиланг?**

- A. Кўк.
- B. Зангор
- C. Ҳаво ранг.
- D. Зангори.

**6. Қуйидаги гапда нозик сўзининг қайси маъноси ифодаланган? Бу жуда нозик иш, эҳтиёткорлик лозим.**

- A. Калтис
- B. Назокатли.
- C. Ингичка.
- D. Хипча.

**7. Бадиий услубга хос гапни белгиланг?**

- A. Салом, ўғлим! Ўқишларинг яхши кетяптими?
- B. Эрта тонг. Қуёш ҳали ўзининг зарин нурларини сочганича йўқ
- C. Сени ким айтади ўқувчи деб? Аҳволингга бир кара?
- D. Маълумки, рух гидрооксида сувда эримади.

**8. Қуйидаги гапда йўл сўзининг қайси маъноси ифодаланган? Бу масала қайси йўл билан ечилади.**

- A. Тадбир.
- B. Сафар.
- C. Усул
- D. Масофа.

**9. Қуйидаги гап қайси услубга хос? Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрдан бошлаб амалга киритилсин?**

- A. Сўзлашув услубига.
- B. Расмий услубга
- C. Публицистик услубга.
- D. Бадиий услуб.

**10. Жавоблардаги услубий жиҳатдан бетараф ҳисобланган сўзни топинг?**

- A. Гўзал.
- B. Чиройли
- C. Сулув.
- D. Кўҳлик.

**11. Синоним сифатлар берилган қаторни аниқланг?**

- A. Чексиз, беҳад, бардошли, бениҳоя.
- B. Чопқир, чапағон, метин.
- C. Уят, номус, ғурур, ҳаё.
- D. Сезгир, зийрак, ҳушёр, сергак.

**12. Пароним сўзлар берилган қаторни аниқланг?**

- A. Аҳил-аҳл, асил-асл, катта-кичик.
- B. Адабий, мангу, адабий-вақтинча.
- C. Аччиқ-ширин, амир-амр, адил-адл.
- D. Азим-азм, абзал-афзал, асир-аср.

**13. Сўзлашув услубида қўлланадиган сўзлар қаторини аниқланг?**

- A. Башар, мозор, яхши, касал.
- B. Адо этмоқ, беҳуда, ёпиқ.
- C. Ростдан, бўлди, майли.
- D. Чидамли, баробар, ғариб.

**14. Олмошларнинг қайси турида келишик қўшимчаларидан олдин эгалик қўшимчалари бўлиши шарт?**

- A. Кишилик олмошлари.
- B. Ўзлик олмошлари
- C. Кўрсатиш олмошлари.
- D. Белгилаш олмошларида.

**15. -лар қўшимчаси қайси гапда кесатик, киноя маъносини ифодалаган?**

- A. У қандай азобларни бошидан кечирмади.
- B. Оға, соғ борсангиз, аввал дадамларга салом айтинг (Ҳамза).
- C. Бу ерда бир пайтлар хароба уйлар бор эди.
- D. Ўзлариям қадам ранжида қилибдиларда.

**16. Қуйидаги гапларнинг қайси бирида тушум келишиги ўрнида жўналиш келишигини қўллаш мумкин?**

- A. Бутун далани ўқувчиларнинг шовқини тутиб кетди.
- B. Нима дедингиз? Гапингизни тушунмадим.
- C. Шоир янги ёзган шеърини ўқиб берди.
- D. Мусобақадорлар гўзалар авжини кўриб, хурсанд бўлишди.

**17. Қайси қаторда услубий бетараф сўзлар берилган?**

- A. Сўзлади, турди, бақирди.
- B. Жамол, юз, башара.
- C. Сўради, қалб, чехра.
- D. Юрак, юз, гапирди.

**18. Қайси қаторда услубий бўёқли сўзлар ишлатилган?**

- A. Рўмол, туз, иш.
- B. Жамол, қалб, чеҳра.
- C. Ноз, иш ва, келди.
- D. Туш, тил, қалб.

**19. Қайси қаторда сўзлашув услубига хос сўзлар келтирилган?**

- A. Кетти, сўради, пичирлади.
- B. Минғирлади, вайсади, ботопти.
- C. Садоқат, тотли, ширин.
- D. Майса, барг, сокин.

**20. Китобий услубга хос сўзлар қайси жавобда берилган?**

- A. Гулзор, мева, эзгу.
- B. Малак, сиймо, башар.
- C. Инсон, коинот, башар.
- D. Миллат, инсоният, тошлоқ.

**21. Қайси жавобда доимо -лик қўшимчаси билан ишлатиладиган сўзлар бор?**

- A. Тақачилик, пишиқчилик, сувчилик.
- B. Балиқчилик, сувоқчилик, сувчилик.
- C. Пишиқчилик, шерикчилик, тўқчилик.
- D. Ижарачилик, тўқчилик, тиланчилик.

**22. Қуйидаги сўзларнинг қайсисида -лар қўшимча жамлаш маъносини ифодалаган?**

- A. Нахшалар гуллади.
- B. Жиянларим ўқимишли.
- C. Бошларим оғрияпти.
- D. Дадамлар яхшилар.

**23. Қайси гапта «бир» сўзи ноаниқликни билдирган?**

- A. Бир гап кам,ука.
- B. Кечаги тўйда Гулнора бир ўйнади.
- C. Бир кулади, бир йиғлайди.
- D. Бир ундай дейсиз, бир бундай.

**24. Қайси гапда бўлишсиз феълдан тасдиқ маъноси англашилади?**

- A. Ишга келмай қўйди.
- B. Синфда йўқлама қилинди.
- C. Китобни ўқимай қўймайди.
- D. Мажлис қолдирилди.

**25. Риторик сўроқ гаплар қайси жавобда берилган?**

- A. Ватан сўзи она сўзидир.
- B. Нега сиз яхши кўрмайсиз.
- C. Наҳотки дарёлар оқар тескари.
- D. Олиб кел, демади.

**26. «Бу иш мен сизга айтсам кўп қизик бўлади» гапида услубий хато нима сабабдан вужудга келган?**

- A. Кириш гап бўлганлиги учун.
- B. Қўшма гап бўлганлиги учун.
- C. Тиниш белгилари қўйилмаганлиги учун
- D. Гап бўлақларининг ўрни ўзгаргани учун.

**27. «Яхшилик қил, болам, ёмонликни от» гапида вергул нима учун ишлатилган?**

- A. Кириш сўзи учун.
- B. Ундалма учун
- C. Вергул керак эмас.
- D. Уюшиқ бўлак учун.

**28. Риторик сўроқ, инверсияли гаплар, диалоглар қайси нутқ услубига хос?**

- A. Бадиий услубда.
- B. Расмий-иш услубда.
- C. Сўзлашув услубда
- D. Публицистик услубда.

**29. Услубий бўёқли сўзлар қаторини аниқланг?**

- A. Равшан, жонли, гўзал
- B. Тойчоқ, онам, руҳсат.
- C. Бадбуруш, кўзичоқ.
- D. Ёқимли, ишчи, зобит.

**30. Эвфемизмлар нутқда нега ишлатилади?**

- A. Юмшоқ айтиш учун
- B. Қўпол айтиш учун.
- C. Бадиийлик учун.
- D. Барча жавоблар тўғри.



## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Фаннинг мазмуни ва мақсади нималарда намоён бўлади?
2. Нутқнинг вазифавий услублари нима?
3. Фан бўйича қандай манбалар бор?
4. Нутқ маданияти деганда нима тушунилади?
5. Намунали нутқ учун критериялар нима?
6. Ўрта Осиёда нотиклик ва нутқ маданияти маркази қаер?
7. Нутқнинг асосий хусусиятлари қайсилар?
8. А.Навоий нутқ маданияти ҳақида қандай фикр билдирган?
9. Нутқнинг тўғрилиги нима?
10. Ҳозирги даврда нутқ маданиятининг ривожинималарга боғлиқ?
11. Нутқнинг аниқлиги нима?
12. Нутқнинг мантиқийлиги нима?
13. Маданий нутқнинг мезонлари қайсилар?
14. Нутқнинг тозаллиги нима?
15. А.Навоий асарларида нутқ одоби талаблари сирасига нималар киритилган?
16. Нутқнинг таъсирчанлиги нима?
17. Нутқ маданиятидаги хусусий ва умумий меъёрлар қайсилар?
18. Нутқ маданияти ва услубият ўзаро қандай алоқада?
19. Талаффуз меъёри нима?
20. Нутқ маданияти билан бошқа фанларнинг қандай алоқаси бор?
21. Сўз ясалари меъёри нима?
22. Грамматик меъёр нима?
23. Ёзув (графика) ва пунктуацион меъёр ҳақида.
24. Маданий нутқ нима?
25. Нутқ маданиятини эгаллашнинг қандай босқичлари бор?
26. Сўзлашув услуби нега оддий услуб деб юритилади?
27. Публицистик услуб нима?

28. Бадиий услубнинг қандай ўзига хосликлари бор?
29. Маданий нутқ мезонларига нималар киради?
30. Илмий услубнинг ўзига хослиги нимада?
31. Расмий-идора услуби нима?
32. Нутқ маданияти ва амалиётнинг боғлиқлиги нимада?
33. Сўз ва ибораларни қўллашдаги типик хатолар қайсилар?
34. Мақол ва ҳикматли сўзларнинг услубий хусусиятлари нималарда кўринади?
35. Синонимларнинг қандай услубий роли бор?
36. Ахборот манбалари билан ишлаш нима?
37. Сўз қўллашнинг аниқлиги нимада?
38. Сўз қўллашдаги услубий хусусиятлар қайсилар?
39. Нутқ услубларининг синтактик хусусиятлари нималар?
40. Тиниш белгиларининг услубий вазифаси нимада?

## **МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ**

1. Нутқ маданияти асослари.
2. Нотиқлик ва унинг тарихи.
3. Нутқнинг асосий хусусиятлари.
4. Нутқнинг тузилиши ва таркиби.
5. Нутққа қўйилган талаблар.
6. Маданий нутқ ва маданий мулоқот.
7. Нутқ услублари таснифи.
8. Нутқ маданияти ва бошқа фанлар.
9. Алломаларимизнинг нутқ ҳақидаги қарашлари.
10. Маданий нутқ мезонлари.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Нутқнинг вазифавий услублари.
2. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати.
3. Ўрта Осиёда нотиклик ва нутқ маданияти.
4. Нутқнинг асосий хусусиятлари.
5. А.Навоий нутқ маданияти ҳақида.
6. Нутқнинг тўғрилиги.
7. Ҳозирги даврда нутқ маданиятининг ривож.
8. Нутқнинг аниқлиги.
9. Нутқнинг мантиқийлиги.
10. Маданий нутқнинг мезонлари.
11. Нутқнинг тозаллиги.
12. А.Навоий асарларида нутқ одоби талаблари.
13. Нутқнинг таъсирчанлиги.
14. Нутқ маданиятидаги хусусий ва умумий меъёрлар.
15. Нутқ маданияти ва бошқа жанрлар.
16. Маданий нутқ.
17. Нутқ маданиятини эгаллашнинг босқичлари.
18. Сўзлашув услуби.
19. Публицистик услуб.
20. Бадиий услуб.
21. Илмий услуб.
22. Расмий-идора стили.
23. Сўз қўллашнинг аниқлиги.

## ГЛОССАРИЙ

**Нутқ маданияти** - адабий тил меъёрларига мос келиш даражасини белгиловчи, тилдаги меъёрлаштириш муаммоларини ҳам қамраб олувчи тушунча.

**Миср, Ассирия, Вавилон ва Ҳиндистон** - нотикликнинг илк кўринишлари юзага келган шаҳарлар.

**Қадимги Греция (Юнонистон) ва Рим** - нутқ маданияти назариясининг асосланган шаҳрлар.

**Цицерон, Демосфен, Квинтилиан ва Аристотель** - нутқ маданияти соҳасида илк назариётчилар.

**Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Замахшарий, Аҳмад Югнакий, Саккокий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур** - шарқнинг буюк нотиклари.

**Алишер Навоий** - нотиклик санъатининг буюк тарғиботчиси.

**"Муҳокамат ул-луғатайн", "Маҳбуб ул-қулуб", "Назм ул-жавохир"** - нотиклик ҳақида қарашлар акс этган асарлар.

**Муқимий, Фурқат, Огаҳий, Аваз Ўтар, Завқий** - тил, нутқ, тил одоби, нутқ одоби ҳақида фикр билдирган алломалар.

**Ҳозирги ўзбек адабий тили** - сўз усталари - шоир ва ёзувчилар, олимлар ва жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, умуман, зиёлилар томонидан умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган ва маълум меъёрга келтирилган шакли.

**Тил меъёри** - нутқ маданияти назариясининг марказий тушунчаси.

**Тил меъёри ўрганиш** - ўзбек тили нутқ маданияти муаммоларини назарий жиҳатдан асослашнинг муҳим шартларидан бири.

**Ўзбек нутқи адабий меъёрнинг кўринишлари** - лексик-семантик (сўз қўллаш), талаффуз (орфоэпик), акцентологик (сўз ва унинг шаклларида урғу), имловий, ёзув (график), пунктация ва услубий меъёрлар.

**Фонетик меъёр** - ўзбек тилида амалдаги алифбо тизими. Ундаги ўзига хосликлар. Лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбосининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ва афзалликлари.

**Талаффуз (орфоэпик) меъёр** - унинг нутқ маданиятидаги асосий меъёрлардан бири. Уни ҳамма бир хилда эгаллай олмаслигининг сабаблари

ва оқибатлари. Оғзаки адабий тилни эгаллашнинг суствлиги, шевачилик, инсонларнинг ёш нуқтаи назардан тилга муносабати, чет тиллар таъсири, талаффуздаги сунъийлик масалалари. Уларнинг нутқ маданиятига таъсири. Салбий ҳолатларни бартараф этиш ёллари.

**Имловий меъёр** - ёзув меъёрининг тилимиз маданиятини белгиловчи асосий ўлчовлардан бири. Унинг қоидаларига амал қилиш зарурлиги қайд этилган давлат ҳужжатлари ("Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари", "Лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзуви").

**Грамматик меъёр** - грамматиканинг ўзбек тилшунослигида нисбатан мукамал ишланганлиги ва меъёрлашганлиги. Грамматик васиталарнинг энг маъқул вариантлари тавсия этилганлиги, уларга ҳамма вақт қатъий риоя қилиш лозимлиги.

**Луғавий меъёр** - нутқда сўз танлаш имкониятининг мавжудлиги тилда луғавий меъёрнинг асоси. Ижтимоий ҳаётда рўй берадиган ўзгаришлар, янгиликларнинг дастлаб лексикада ўз аксини топади.

**Луғавий меъёрга путур етказувчи омиллар** - сўз танлашда уларнинг маъно ва услубий қиммати ҳисобга олмаслик, шевачиликнинг таъсири, паронимларни қўллашдаги эътиборсизлик, кўр-кўрона калкалаш, ноўрин таржималар, лексик дублетларнинг матнда ўз жойида қўлланмаслиги ва хоказолар.

**Семантик-услубий меъёр** - сўз маъноларидаги ўзгаришлар, уларни меъёрида деб ҳисоблашнинг шарт-шароитлари.

**Нутқнинг тўғри бўлиши** - нутқнинг адабий меъёрга мувофиқ келиши. Бунда асосий меъёр урғу меъёри ва грамматик меъёрдир. Оҳанг, гап тузиш қоидалари, ўзак ва қўшимчалар ўртасидаги боғланиш, эга-кесим мувофиқлиги, иккинчи даражали бўлақларнинг боғланиши ҳам нутқнинг тўғри бўлиши ҳисобланади.

**Нутқнинг аниқлиги** - унинг шаклланиш шартларидан бири. Бунда тилдан ташқарида бўлган ҳолатларнинг ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Нутқнинг мантиқийлиги** - нутқнинг тўғрилиқ ва аниқлик билан чамбарчаслиги. Мантиқийликнинг сўзловчи ёки ёзувчи тафаккурига, ўқувчига ва қобилиятига боғлиқлиқ бўлади. М

**Нутқнинг тозаллиги** - тозаллик нутқий меъёрдаги асосий шартлардан бири. Адабий тил талабларига мос келмайдиган меъёрий унсурлардан холи бўлган идеал нутқ.

**Нутқнинг таъсирчанлиги** - яхши нутқни шакллантиришдан асосий мақсад унинг таъсирчан бўлишини таъминлаш. Нутқнинг барча сифатлари ана шу жиҳатга қаратилган. Бунда лисоний ва нолисоний омиллар алоҳида ўрин эгаллайди. Нутқнинг таъсирчанлиги дейилганда, асосан, оғзаки нутқ шакли назарда тутилади.

**Нотиқлик турлари** - сиёсий-ижтимоий нотиқлик, академик нотиқлик, суд нотиқлиги, социал-маиший нотиқлик, диний нотиқлик ва бошқалар.

**Нутқнинг турлари** - оғзаки ёки ёзма, оммавий ёки бадий, илмий ёки ижтимоимй-сиёсий.

**Морфологик услубият** - грамматик шаклларнинг тўғри, нутқ шароитига мос равишда қўллаш.

**Вазифавий услублар** - сўзлашув, расмий, илмий, публисистик, бадий.

**Сўзлашув услуби** - кундалик норасмий, эркин муомала доирасида тил бирликларининг ўзига хос амал қилиши.

**Расмий услуб** - ҳозирги ўзбек адабий тилининг маъмурий ва ҳуқуқий соҳаларда амал қиладиган кўриниши.

**Илмий услуб** - фан-техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ услуб.

**Илмий услуб кўринишлари** - илмий-техникавий, илмий-ҳужжат, илмий-оммавий, ўқув-илмий, оммабоп.

**Оммабоп услуб** - хабар, репортаж, корреспонденция, мақола, очерк, фельетон, памфлет, бош мақола сингари оммавий ахборот жанрларнинг тил хусусиятларини кўрсатувчи услуб.

**Бадий нутқ услуби** - адабий асарлар тилини белгиловчи услуб.

## ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРАЛЛАР.

### 1-мавзу бўйича.

1-слайд

**Цицерон фикрича, нотиқ қуйидаги хислатларга эга бўлмоғи лозим:**

1. Нотиқнинг ўзи жуда дадил ва амин бўлиши керак.
2. Нутқ тўла исботланиши лозим.
3. Нутқдаги ҳамма нарса муҳим ҳисобланиши керак
4. Нутқ материални сидқидил тўплаш ва идрок этиши керак
5. Материални жойлаштира олиши, тушунишга осон бўлишини таъминлаши лозим.

2-слайд

**Алишер Навоий фикрича:**

- 1. Нотиқ нотиқлик санъатини қадрлайди ва юксак баҳолайди.
- 2. “Воиз улдурки, мажлисга кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай”.

(“Маҳбубул қулуб” асарининг 24-боби: “Насиҳат аҳли ва воизлар зикри” )





**Ўзбекистонда эл танийдиган нотиқлар етишиб чиқди.**

- Қодир Махсумов,
- Туйғуной Юнусхўжаева,
- Муҳсин Алимов, Ж.Ф. Йўлдошев,
- Л.Қаюмов,
- Э.Юнусов

**Оммавий маърузалардаги намунали нутқ экстралингвистик жиҳатдан қуйидаги факторлар асосида юзага келади:**

1. Фикр юритилмоқчи бўлган мавзу, энг аввало, нотиқнинг ўзига тушунарли ва ўзлаштирилган бўлиши шарт.
2. Тингловчилар ҳукмига ҳавола этилаётган масала ва воқеалар ишончли тарзда баён қилиниши ҳамда унинг ижобий натижа беришига нотиқнинг ўзи ҳам иқрор бўлиши, ишониши лозим.
3. Танланган мавзуга шахсий қизиқиши, субъектив фикрли бўлиши ва унга масъулият билан ёндошиши ҳам оммавий нутқ талабидир.
4. Нутқ орқали тингловчилар онгига руҳий таъсир ўтказиш, уларни ўз орқасидан эргаштира билиш.
5. Нутқни нимадан бошлаш, асосий масалаларни қандай баён қилиш ва уларни ўзаро боғлаш ҳамда якунлаш режасини пухта ишлаш.
6. Нутқ матнини режа, конспект, тезис ёки бутун бир конспект тарзида қоғозга тушириш ва ундан фойдаланиш яхши натижалар беради.
7. Нотиқнинг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, имо-ишоралари, овози, ҳатто ташқи кўриниши тингловчиларда катта таассурот қолдиради.
8. Нотиқдаги самимийлик, хушмуомалалик, одоблилиқ, тингловчиларга ҳурмат билан қараш, тегишли ўринларда улар билан савол-жавоб қилиш, тинглаш каби қаттор фазилатлар нутқнинг оммабоп бўлишини таъминлайди.



2-мавзу бўйича

1-слайд



**Ўзбек адабий тили меъёрлари**

- 1. Фонетик меъёрлар.
- 2. Лексик-семантик меъёр (сўз қўллаш)лар.
- 3. Талаффуз (орфоэпик) меъёрлар.
- 4. Акцентологик (урғунинг тўғрилиги) меъёрлар.
- 5. Грамматик меъёрлар.
- 6. Сўз ясаиш меъёрлари.
- 7. Имловий меъёрлар.
- 8. График (ёзув) меъёрлар.
- 9. Пунктуацион меъёрлар.
- 10. Услубий меъёрлар.

2-слайд

**Маданий нутқ мезонлари:**

1. Нутқнинг тўғрилиги.
2. Нутқнинг аниқлиги.
3. Нутқнинг мантиқийлиги.
4. Нутқнинг тозалиги.
5. Нутқнинг таъсирчанлиги.
6. Нутқнинг бойлиги.



### 3-мавзу бўйича

1-слайд

#### Стиль (услуг) сўзи ўзбек тилида қуйдаги маъно ва тушунчаларни билдиради:

- 1. Бирор ёзувчи ёки бадиий асарларнинг тил хусусиятларини ўрганувчи соҳа: Ойбек стили. "Навоий" романининг тили ва стили.
- 2. Санъаткор ижодининг ёки маълум давр санъати ва адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, белгилари йиғиндиси: романтик стиль, қасида стили, дoston стили.
- 3. Синтаксис ва умуман адабий тил меъёрларига мос нутқ қурилиши: содда, равон стиль; дағал, ғализ стиль; стиль камчиликлари.
- 4. Иш-ҳаракат, фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари: раҳбарлик стили, сувда сузиш стили, гапириш стили.

2-слайд

#### Расмий-иш услуги:

- Бу услубдаги нутқ сиқик ва чегаралангандир.
- Сўз ва иборалар аниқ, қатъий бир қолипда ишлатилади.
- Юридик ҳужжатлар, қонунлар, буйруқ ва қарорлар ёзилади.
- Расмий ҳужжатларда нутқ воситаларининг стандартлиги ва бир хиллиги турличадир.
- Расмий - иш услубидаги нутқнинг ҳам ўзига хос лексик ва фразеологик бирликлари (одам ўрнида шахс, берилади ўрнида тақдим этилади, иш ўрнида бурч) мавжуд. Махсус терминлар, нутқий штамплар, тайёр формулалар ҳам расмий-иш услубининг элементларидир (мақсадида, ҳисобидан, шунга кўра, биз қуйида имзо чекувчилар).
- Морфологик жиҳатдан қисқартма қўшма сўзлар (медициститут, БухДУ), қаратқич келишигидаги отлар, олмошлар, буйруқ майли ва мажҳул даражали феъллар кўп қўлланади.
- Синтактик жиҳатдан сифатдош ва равишдош оборотли бирликларни ҳамда эргаш гапли қўшма гаплар кенг ишлатилади.
- Қўшма кесимлар ( қабул қилинсин, тақлиф қилинди, ёрдам берилади) кўпроқ қўлланади.
- Кириш сўзлар, одатда, гап бошида келади. Сўзлар одатдаги тартибда бўлади, инверсияга деярли учрамайди.

### Сўзлашув услуби (2):



- Субъектив баҳо шаклли отлар, сифатларнинг озайтирма ва кучайтирма шаклларининг кўп ишлатилиши бу услубнинг морфологик хусусиятидир.
- Диалектал шаклларни ишлатиш ёки аффиксларни нутқий тежам қилиш ҳам бу услубнинг характерли белгисидир.
- Сўзлашув нутқининг асосини тўлиқсиз гаплар ташкил қилади.
- Сўз-гаплар, эмоционал гаплар, риторик сўроқ гаплар ҳамда боғловчисиз қўшма гаплар кўп ишлатилади.
- Сўз тартиби нисбатан эркин, сўзловчи учун муҳим саналган сўз гап бошида берилади.

### Бадиий услуб (1):

- Бадиий услубда, асосан, бадиий асарлар яратилади. Бадиий нутқ образли ва эмоционал-экспрессивдир. Бунда тилнинг алоқа вазифаси билан эстетик-эмоционал вазифаси қўшилиб кетади.
- Полисемантик, кўчма маъноли сўзлар, синоним, омоним, антонимлар, эскирган ва янги сўзлар, жаргон ва вульгаризмлар, фразеологик иборалар ва халқ мақоллари кенг қўлланилади.
- Сўз ва иборалар воситасида образ яратилади, жонли картиналар чизилади.

### Бадиий услуб (2):

- Отлардаги кўплик шакли (-лар)нинг турли семантик-услубий мақсадлар учун ишлатилиши, кичрайтиш-эркалаш шаклларининг кўп қўлланилади.
- Феъл замонларининг алмашлаб ишлатилиши бадиий услубнинг морфологик хусусиятидир.
- Синтактик жиҳатдан бадиий услуб турли қурилишдаги гапларнинг бўлиши, кўчирма ва ўзлаштирма гапларнинг чегараланмаганлиги, синонимик гаплар, перефразаларнинг кўп учрайди.
- Сўзларнинг тўғри тартиби ва инверсиядан истаганча фойдаланиш мумкинлиги билан характерланади.



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш сари. Т.: 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: 1998.
3. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: 2000.
4. Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. Т. 1981.
5. Аҳмедов А. Нотиқлик санъати. Т. 1967 .
6. Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. Т. 1980.
7. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. Т. 1983.
8. Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва стилистика асослари. Программа Т.1987.
9. Головин Б.Н. Основы культуры речи. М.: 1980
10. Ефимов А.И. Стилистика русского язык. М.: 1986.
11. Иброҳимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида. Т.:1972
12. Иномхўжаев С. Ўтмиш Шарқ нотиқлиги, Т.: 1972.
13. Махмудов Н., Шерматов А. Ўзбек нутқи маданияти асослари. Программа, Т.: 1987.
14. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. Т.: 1993.
15. Нутқ маданиятига оид масалалар (мақолалар тўплами). Т.: 1973.
16. Сидиқ Мўмин. Сўзлашиш санъати. Фарғона, 1997.
17. Тожиев Ё., Хасанов Н., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. Т.: 1994.
18. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси Т.: 1983.
19. Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Т.: 1996.
20. Қиличев Э. Ўзбек тили практик стилистикаси. Т.: 1985.
21. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Т.: 1982.
22. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. Т.: 1992.
23. Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нотиқлик маданияти. Бухоро, 2005.
24. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нотиқлик маданияти. Т.: 1992.